*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 163 (4858).
22 ИЮЛЬ 1982 Й.
ПАЙШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлади
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

**ТОНГГИ ГАЗЕТАЛАРДА**

△ Республикада меҳмон бўлиб турган Халқаро денгиз ташкилотининг бош секретари, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош секретарининг ўринбосари Ч. П. Шривастава Ўзбекистон ҳаёти билан танишмоқда.

21 июлда Ч. П. Шривастава ҳамда унга ҳамроҳ бўлган кишилар Тошкент билан, унинг диққатга сазовор жойлари ва янги қурилишлар билан танишдилар, Ўзбекистон ССР Халқ хўжалик ютуқлари виставкасини бориб кўрдилар, Л. Б. Шастри ўй-музейида бўлдилар. Ўзбекистон ССР Министрлар Советида, халқ депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида суҳбат бўлиб ўтди.

# «Правда» газетасининг саволларига Л. И. БРЕЖНЕВнинг жавоблари

САВОЛ: Сиз ҳозирги вақтда Ливанда ва унинг теварагида вужудга келаётган вазиятга қандай баҳо берасиз?

ЖАВОБ: Ливандан ҳар куни қаҳр-ғазаб уйғотувчи мудҳиш хабарлар келиб турибди. Ливан диёрида ёвузлик қилаётганлардан ғазабланмоқдалар. Минг-минглаб ливанликлар ва фаластинликлар босқинчилар қўлидан ҳалок бўлди, хунрезлик эса тўхтатилган эмас. Ливаннинг пойтахти Байрут вайрон қилинмоқда. Исроилнинг ҳаракатлари қирғинчиликдан бошқа нарса эмас.

Исроилнинг ўз босқинчилик агрессиясини ҳануз давом эттираётганлигига сабаб нима? БМТ Хавфсизлик Кенгашининг босқинчилар қўшинларини Ливан тупроғидан дарҳол ва сўзсиз олиб чиқиб кетишни талаб этаётган қарорларини Исроил назар-писанд қилмаётганлигига сабаб нима? Исроил жаҳон жамоатчилик фикрига эътибор қилмаётганлигининг боиси нима? Бунинг боиси шуки, номи ҳаммага яхши маълум бўлган давлат — АҚШ уни қўллаб-қувватлаб турибди.

Биз Совет Иттифоқидагилар фаластиниликларнинг, Исроил ҳарбийларига қаттиқ қаршилик кўрсатаётган барча кишиларнинг маҳорлигига қойил қолямиз. Фаластин проблемаси қанчалик мураккаб бўлмасин, Фаластин халқи қандай қийинчиликларни бошдан кечирмасин, бундан қатъи назар бир нарса равшан: Фаластин проблемаси жуда ҳам чигал масала эмас, бу масалани зўравонлик билан ҳал этиб бўлмайди. Фаластиниликлар шу қадар фожиали вазиятда кўрсатаётган сабот-матонат эса улар жонли халқнинг жонли ишини ҳимоя қилаётганликларини ва уларни енгиш мумкин эмаслигини яна-да зўр куч билан тасдиқлайди.

Шундай қилиб, муайян хулоса чиқариш мумкин: Исроилнинг агрессияси унинг учун катта сиёсий ва маънавий мағлубиятга айланмоқда, Исроил халқаро майдонда тобора кўпроқ яккаланиб қолмоқда.

Буни Исроилнинг ўзида ҳам тушуна бошлаган кишилар сони ортиб бораётганлигини айтиб ўтиш керак. Совет Иттифоки бир неча бор айтиб ўтганидек, Фаластин давлатини вужудга келтириш Фаластин араб халқининг проблемасини ҳал этишнинг энг яхши, реалистик йўли эканлигини англаш ҳам бутун жаҳонда кенгайиб бормоқда.

Ливандаги воқеалар совет раҳбарларининг доим диққат марказида турибди. Совет Иттифоқининг позицияси равшан: Ўруш олови ўчирилиши, агрессия тўхтатилиши керак, Исроил қўшинлари Ливан территориясидан чиқиб кетиши лозим.

Ана шуни ҳам илова қилиб айтаманки, бизнинг мамлакатимиз агрессор олдида бўйин эгмайлиги, бу регионда масалани адолатли ҳал этиш ва тинчлик ўрнатиш учун ҳаракат қилаётган кишиларга ёрдам ва мадад бериб келди, бундан буён ҳам уларни қўллаб-қувватлаб, ёрдам кўрсатаверади.

САВОЛ: Сизнинг фикрингизча, шу мақсадга эришмоқ учун биринчи навбатда қандай тадбирларни кўриш керак?

ЖАВОБ: Аввало, Исроил ва АҚШ БМТ Хавфсизлик Кенгашининг суверен Ливан давлатига қарши агрессияни тўхтатиш ҳақидаги ҳамда Исроил қўшинларини дарҳол ва сўзсиз олиб чиқиб кетиш тўғрисидаги қарорини бажариши зарур.

Энг биринчи навбатда турган ва сира ҳам кечиктириб бўлмайдиган чора ҳақида гапирадиган бўлсак, Исроил қўшинларининг Байрутни қамал қилиб туришига чек қўйиш зарур. Биз бу йўлдаги биринчи қадам сифатида ғарбий Байрутни ҳимоя қилаётган кучлар билан Исроил қўшинларини бир-биридан узоқлаштириб қўйишга қарши эмасмиз.

Шу мақсадда БМТ кучларидан фойдаланиш мумкин бўлур эди. БМТ муваққат кучларининг қисмлари Хавфсизлик Кенгашининг қарорига биноан Ливанда турганлиги учун ҳам шундай қилиш мумкин. Америка қўшинларининг Ливан тупроғида пайдо бўлишига бундан буён ҳам қатъиян қарши чиқамиз, албатта. Биз бу хусусда огоҳлантириб ҳам қўйганмиз.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтишни истайманки, Исроилнинг ҳарбий авантюрасига қарши курашаётган кучлар нечоғлик кўп жипслашса, агрессияни жиловлаб қўйишни талаб этаётган давлатлар сони нечоғлик кўпайса, бу агрессияга шу қадар тез ва шу қадар мустаҳкам равишда чек қўйилади.

Очиғини айтсак, ҳозирги кескин вазиятда арабларнинг бирлиги жуда муҳим аҳамият касб этади. Биз қаттиқ ишонамизки, бу бирликка халақит берадиган нарсалар ҳозирги оғир пайтда бир чеккага қиғиштириб қўйилиши керак. Шу нуқтаи назардан олиб қараганда арабларнинг фаластиниликларнинг хавф-хатарсиз яшаш, мустақил ривожланиш ва ўз давлатини вужудга келтириш ҳуқуқини таъминлаш учун лозим бўлган талабларини бирлигидан узоқлаштириб қўйишга қарши эмасмиз.

Ҳозирги масала. Ливанда бўлаётган воқеалар Яқин Шарқ проблемасини адолатли ва кенг кўламда ҳал этиш учун бутун масъулиятни сезган ҳолда жиддий иш бошлаш пайти келмадимикан, деган саволни беришга яна мажбур этади! Агрессия хуружлари ва ҳарбий можаролар билан тўлиб-тошган ўн йилликнинг ачиқарли тажрибаси сепарат битимлар тузиш йўли каби қуролли конфронтация йўли ҳам Яқин Шарқ проблемасини ҳал этмади ва ҳал этиши ҳам мумкин эмаслигини кўрсатди. Бу проблемалар манфаатдор барча томонларнинг, шу жумладан, Фаластин халқининг бирдан-бир қонуний вакили бўлмиш Фаластин Озодлик ташкилотининг коллектив куч-ғайрати натижасидагина ҳал этилиши мумкин. Келажакка назар солар эканмиз, халқаро конференция чақириш тўғрисида биз киритган таклиф қимматли истиқболга эга эканлигини кўриб турибмиз. Бу конференция нечоғлик тез чақирилса, шу қадар яхши бўлади. Совет Иттифоқи Яқин Шарқда мустаҳкам тинчлик ўрнатишга ўз ҳиссасини қўшишни истаган барча кишилар билан ҳалол ҳамкорлик қилиб, бу йўлда амалий иш олиб боришга тайёрдир.

*Бригада пудрати — қурилиш қудрати*

# ЮТУҚЛАР ОМИЛИ

Тошкент шаҳар қурилиш Бош бошқармасига қарашли 159-қурилиш трести коллективи ўтган йилни юқсак натижалар билан якунлаб, беш йилликнинг иккинчи йилини юқсак суръат билан бошлаган эди. Бунёдкорлар йилнинг ярим йиллик планини ҳам кўпгина кўрсаткичлар бўйича муваффақиятли адо этишга муваффақ бўлдилар.

— Ютуқларимизга, — дейди трест меҳнат ва иш ҳақи бўлими катта инженери Р. Шоазизова, — бригада пудрати методи асосида ишлаётган бригадалар салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Ҳозир бизда трест бўйича 37 бригада Н. Злобин методи бўйича ишлаяпти, 85 та бригада эса Басов методида иш олиб бораяпти. Илғор усуллар асосида ишлаётган бригадалар трест коллективи томонидан бажарилаётган ишлар ҳажмининг 69 процентини бажармоқдалар.

Қўлга киритилаётган меҳнат зафарларида республикамиз саноат, транспорт ва қурилиш новаторларидан 15 киши бошлаб берган бир беш йилликда икки беш йиллик топшириғини бажариш ташаббуси издошларининг ҳам ҳиссаси каттадир. Трестнинг кўплаб қурувчилари «Ўн беш йилларга ташаббусни» қўллаб-қувватлаб, сезиларли ютуқларга эришяптилар. Жумладан, трестга қараши ли 9-қурилиш бошқармасининг Р. Гайнулин, В. Воронов, Н. Ҳақимзянов каби бунёдкорлари ўз маҳоратларини ошириш, илғор усуллардан, вақтдан оқилона фойдаланиш ҳисобига 1983—1984 йиллар ҳисобига меҳнат қилишяпти.

Айниқса, «СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафталик!» шиори остида мусобақа кенг қулоч ёймоқда. Меҳнат беллашуви ҳам ютуқлар омили бўлмоқда. Шу йилнинг январь-июнь ойлари мобайнида бош пудрат бўйича 11 миллион 260 минг сўмлик қурилиш-монтаж ишлари бажарилди. Бу пландагидан бир мунча кўп, демакдир.

Шунингдек, трест коллективи Тошкентнинг 2000 йиллиги билан боғлиқ объектларда ҳам иш суръатини тобора кучайтирмоқда. Бунда ҳам бригада пудрати методи асосида ишлаётган бригадалар жонбозлик кўрсатмоқдалар. Чуноячи, 9-қурилиш-монтаж бошқармасидаги В. Миллер, Т. Турдиқулов бошлиқ бригадалар юқори натижаларга эришишмоқда.

Юбилей йили социалистик мусобақасида Бош бошқарма бўйича етакчи ўринларни эгаллаб келаётган 159-қурилиш трести бунёдкорлари ишни бир зум ҳам сусайтирмай, янги марралар сари одимламоқдалар. Трест бошқармаларида бугунги кунда ўзининг афзаллик томонини намойиш этаётган бригада пурати методи асосида ишлаётган бригадалар сони тобора ортиб бораяпти.

**Т. НАЖМИЙ.**



# ПУШКИН КЎЧАСИДАГИ «ТЎРТ БАҲОДИР»

Ҳа, ҳайрон бўлманг, ҳурматли оқшомхон! Ҳадемай пойтахтимизнинг Пушкин кўчасида, яъни метронинг Ҳамид Олимжон станцияси ёнида 16 қаватли тўртта муҳташам уй қад ростлайди. Маиший хизмат ва савдо-сотиқ корхонаси, коммунал муассасалари, болаларнинг ўйин майдончалари ва спорт иншоотлари ҳамда ямяшил дам олиш зонасидан иборат бўлган турар жой комплексини москвалик қурувчилар — «Мосжилстрой» трестининг 220-қурилиш бошқармаси бунёдкорлари қурмоқда. Қурилишда 11-«Висотстрой» трестининг 17-қурилиш бошқармасидан Ҳ. Қорабоев бошлиқ бригада ҳам иштирок этяпти. Комплекснинг лойиҳаси ҳам ҳамкорликда яратилган. «Тошгипрогор» лойиҳа институти меъморлари билан Москва лойиҳа институтлари вакиллари ажойиб «Тўрт баҳодир» комплексини яратишга муваффақ бўлдилар.

Янги турар жой комплекси энг замонавий усулда бунёд этилиб, 1, 2, 3 ва 4 хонали, кенг, ёруғ ва шинам квартираларга эга бўлади. Қурилиш ишлари ўтган йили бошлаб юборилган эди. Москвалик қурувчиларнинг фидокорона меҳнатлари туфайли бинолар кун сайин қад кўтармоқда. Асосан ҳозир юқориги қаватларда монтаж ишлари олиб бориляпти. Турар жой комплексини бунёд этишда 220-қурилиш бошқармасидан ташқари 2-«Мосстройм е х а н и з а ц и я» трестининг 10-механизациялаш г а н бошқармаси, 1-«Мосэлектромонтаж» трестининг 45-қурилиш бошқармаси, 1-«Мосантехстрой» трестининг 117-қурилиш бошқармаси ва бошқа коллективлар вакиллари ҳам меҳнат қилишмоқда.

— Иккинчи квартал планини муваффақиятли уддаладик, — дейди комплексдаги москвалик қурувчилар парткоми секретари В. Нестренко. — Шу кунларда иш суръатини тобора оширмоқдамиз. Янги турар жой комплексини СССР ташкил этилган кунининг 60 йиллигига қадар фойдаланишга топширишга аҳд қилганмиз.

**СУРАТДА: Москваликлар бунёд этаётган турар жой комплексининг ҳозирги кўриниши.**

УЗБЕКИСТОН ССР ЁЗУВЧИЛАР СОЮЗИНИНГ МАТБУОТ БЮРОСИ ХАБАР БЕРАДИ

# Ёзувчилар Озиқ-овқат программаси ҳақида

Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзида партия йиғилиши бўлиб ўтди. Уни бошланғич партия ташкилотининг секретари Т. Тўлахўжаев очди. ВААПнинг Ўзбекистон бўлими бошлиғи, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Раҳмат Файзий «КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорлари ва Озиқ-овқат программасини амалга ошириш учун курашда Ўзбекистон Ёзувчилар союзи партия ташкилотининг вазифалари» тўғрисида доклад қилди.

Докладни муҳокама қилишда Ўзбекистон халқ ёзувчиси, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталик газетасининг бош редактори Асқад Мухтор, «Пилдиз» журналининг бош редактори Ш Алядинов, ёзувчи Андрей Иванов, «Ёшлик» журналининг бош редактори Эркин Воҳидов, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи Тошкент бўлимининг масъул секретари Абдулла Орипов, «Звезда Востока» журналининг бўлим мудири М. К. Гребенюк, СССР Адабиёт фонди Ўзбекистон бўлими Советининг раиси Мумтоз Муҳамедов, Ўзбекистон ССР Ёзувчилар союзи правлениесининг биринчи секретари Ё. О. Азимов сўзга чиқдилар.

Йиғилишда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини янада юксалтириш, мўл-кўл озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш юзасидан партиянинг улкан режалари халқ бахт-саодати, моддий ва маданий фаровонлигини юксалтириш тўғрисидаги буюк ғамхўрлик руҳи билан суғорилган. Бу режаларни амалга ошириш чинакам умумхалқ ишидир.

Ўзбекистонда Озиқ-овқат программасини амалга оширишда коммунистик бунёдкорликнинг барча босқичларида партиянинг содиқ кўмакчилари бўлиб келган коммунист-адабиётчилар кўп иш қилишлари мумкин ва лозим.

Партия йиғилиши қарор қилади: 1986—1990 йилларга мўлжалланган Озиқ-овқат программасини белгилаб берган КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорлари Ўзбекистон Ёзувчилар союзи партия ташкилотининг барча ташкилотчилик ва ижодий ишлари, республиканинг барча адабиётчилари учун дастуриламал бўлмоғи лозим. Ёзувчилар союзи правлениеси ва партия ташкилотининг Озиқ-овқат программасини амалга оширишда қатнашиш бўйича тадбирлари ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Бу тадбирларда партия режаларини амалга оширишда сўз усталарининг фаол қатнашиши кўзда тутилади. Ёзувчилар союзи секретариатининг кўчма йиғилишларини республиканинг турли областларида ўтказиш тажрибаси давом эттирилади. Бу сафарлар чоғида меҳнаткашларнинг адабиётчилар, бадиий интеллигенция билан ижодий учрашувлари уюштирилади.

«Ўзбекистон адабиёти ва санъати» газетаси, «Шарқ юлдузи», «Звезда Востока», «Йилдиз», «Ёшлик» журналлари ўз саҳифаларида «Ёзувчилар республика далаларида» рубрикаси остида мунтазам суратда Озиқ-овқат программасини амалга оширишга бағишланган публицистик мақолалар, лавҳалар, репортажлар, очерклар бериб боради. «Шарқ юлдузи» ва «Звезда Востока» журналлари редакцион коллегияларининг республика партия, совет органлари раҳбарлари, етук олимлар, халқ хўжалиги мутахассислари, ишлаб чиқариш илғорлари билан қишлоқ хўжалигининг актуал масалалари бўйича «Думалоқ стол» атрофидаги суҳбатларини ўтказиш мўлжалланяпти.

Республиканинг барча областлари ва Қорақалпоғистон АССР та 15 та ёзувчилар бригадаси жўнаб кетади. Улар КПСС Марказий Комитетининг май (1982 йил) Пленуми қарорларини тушунтирадилар ва оммалаштирадилар. Шунингдек, Озиқ-овқат программасини амалга оширишда ва ижодий учрашувларда ҳамма ишлар, республиканинг барча адабиётчилари учун дастуриламал бўлмоғи лозим.

Ёзувчилар союзи правлениесининг

Тошкентнинг ноёб иншоотлари

# «МОСКВА»—ЭНГ БАЛАНД БИНО

**Чорсу майдонида қад ростлаган Тошкентнинг энг баланд биноси — 81,5 метрли «Москва» меҳмонхонаси фойдаланишга тахт қилиб қўйилди. Ҳозир хоналарни жиҳозлар билан комплектлаш ишлари давом этяпти.**

Бу муҳташам бино ўзининг пурвиқор қомати билан Чорсу майдонида савлат тўкиб турибди. Барча ўтган-кетганларнинг кўзи унда. Уларни биноннинг конструкцияси қизиқтираётгани аниқ. Тўғри, унинг бу ҳолга келиши учун қанчадан-қанча меҳнат сингди. Муҳташам бинога маҳлиё бўлиб боқар эканман, хаёлимдан унинг бошланиш тарихи аста ўта бошландi...

«Москва» меҳмонхонаси меъморларнинг қизғин баҳслари натижасида тугилган эди. Моҳир архитекторлар турли макетларни чизиб тавсия этдилар. Лекин «Ташгипрогор» институтининг Владимир Лазеревич Спивак раҳбарлигидаги архитекторлар группаси яратган лойиҳа ҳаммага маъқул бўлди. Шу тариқа 1979 йили «Москва»ни қуришга киришилди...

Жой масаласида ҳам мунозара бўлганди. Кўплар «Чорсу заҳлик, бино «ўтириши» мумкин», —деган фикрни айтдилар. Лекин бу нотўғри бўлиб чиқди. Мана ҳозир Навоий кўчасининг бошланишидан кўзга яққол ташланувчи «Москва» ўзининг замонавий архитектура ютугини кўз-кўз қилмоқда. У Чорсуга, Охунбобоев майдонига ҳолдек ярашиб турибди.

Янги меҳмонхона Тошкентдаги осмонўпар турар жой биноларини росмана ортда қолдириб кетди. Бу-тўғрисида янги бунёдкорлик технологияси асосида қурилган меҳмонхонанинг бўйи 81,5 метрдан ошиб кетди. Агар бино қурилишига разм солган киши, қаватлар қўйида монолит бетондан қўйилиб, сўнгра махсус кўтаргич-домкрат ёрдамида юқори қаватларга ўрнатилганини сезган бўлиши мумкин. Бундай усулда —монолитли бетон билан қуриш сейсмик зонада биноннинг зилзилага бардошлигини оширади. Кейинги пайтда Тошкентда бундай усул билан қуриш оммалашаяпти. Кўплаб эксперименталь уйлар қурилмоқда.

Хўш, «Москва» меҳмонхонаси қандай афзалликларга эга? Бугунги кунда унинг «сервқомати»га маҳлиё бўлар эканмиз, ўзининг муҳташамлиги билан Кўкалдош мадрасаси, Бош универсал магазини ва бошқа бинолар билан нечоғлик уйғунлашиб кетганининг гувоҳи бўламиз. «Москва» архитектура жиҳатидан ҳам шаҳримиздаги ягона бинодир. Унинг учбурчак ҳолида турган учта ҳалқасимон устунига ярим ботиқ айланма шаклида ўрнатилганлиги, унинг чор атрофдан бир хил кўринишига асос бўлган. Бундай архитектуравий ечим унинг ички йўлак ва хоналарининг шинам ва кўркамлигини, ўзига хос оригиналлигини таъминлаган.

Янги меҳмонхона 1150 ўринли бўлиб, меҳмонларнинг яйраб ҳордиқ чиқаришлари учун барча қулайликларга эга. Чунончи, хоналар энг замонавий комплект жиҳозлар, юмшоқ мебеллар билан жиҳозланади. Ҳар кичик қишки боғи бўлган ички икки фойега, 1000 кишига мўлжалланган —миллий ва европача усулда мазали ҳамда тўйимли таомлар тайёрланадиган ресторанга, кафе ва иккита замонавий «бар»га эга бўлади. Бундан ташқари «Союзпечать» киоскаси, сартарошхона, совға магазинлари ҳам очиш мўлжалланган.

Ҳозирда Тошкентнинг яна бир кўркига айланган бинога нигоҳ ташлар эканмиз, албатта уни бунёд этган қурувчиларни эсламай иложимиз йўқ. Бу муҳташам бинони шаҳримизда юксак қаватли бинолар қуришда бой тажриба тўплаган 11-«Висотстрой» трестига қарашли 75-қурилиш бошқармасининг азамат бунёдкорлари, 2-Пардозлаш трестига қарашли 12, 42, 45-қурилиш бошқармаларининг қўли гул сайқалчилари қуриб битказдилар...

Пойтахтнинг ноёб иншоотларидан бирига айланган «Москва» меҳмонхонаси нинг сўнгги қаватига лифт орқали кўтарилдик. Кўхна ва навқирон Чорсу кўзга худди кафтдагидек ташланади. Ҳозирча меҳмонхонанинг орқа қисмида ва ён атрофида катта қурилиш ишлари кетяпти. Яна бир-икки йил ичида биз бу ердан туриб, Чорсу атрофида бунёд этилажак «Чорсу», «Оқтепа» микрорайонларини, «Пойафзал моделлари уйи»ни, 1.200 та савдо нуқтаси бўлган Чорсу ёпиқ бозорини ва Тошкентнинг бўлажак улкан «Ҳайвонот боғи»ни кўришимиз мумкин. Ҳозирда Самарқанд-Дарвоза кўчаси бўйлаб кўп қаватли турар жой биноларини қуриш, меҳмонхона, бозор ва Бош универсал магазинини боғловчи ер ости йўлини бунёд этиш, Самарқанд Дарвоза кўчасини кенгайтириш каби қурилиш ишлари давом эттирилянти. Ҳадемай меҳмонхона орқасида 200 ўринли автомобиль тўхташ жойи ва спорт комплексини қуриш ишлари ҳам бошлаб юборилади.

**Т. ТОШЕВ.**

**СУРАТЛА Р Д А: «Москва» меҳмонхонасининг ҳозирги кўриниши ва уни пардоздан чиқаришда фаол иштирок этган 2-Пардозлаш трестига қарашли 45-қурилиш бошқармасининг бунёдкорлари Л. Переводников (чапдан-ўнгга), бригадир Ю. Тарасюк, Ф. Купцов, Н. Новицская ва О. Ким.**

**Ҳ. Мирзакаримов** фотолари.

Истеъмол буюмларига—кенг йўл

# ҲАМЖИҲАТЛИК БИЛАН

Тошкент шаҳар маҳаллий саноат бошқармасига қарашли картон-полиграфия ишлаб чиқариши бўлган бадиий-конструкторлик бюроси республика маҳаллий саноат министрлигига қарашли деярли барча корхоналарга маҳсулот жўнатади.

Бадиий-конструкторлик бюросида 3 та асосий цех мавжуд. Ишчилар сифат ва самарадорлик учун кўрашиб, барча юмушларни бригада пудрати асосида бажаришга ҳаракат қилмоқдалар. Цехларда социалистик мусобақанинг намунали йўлга қўйилиши натижасида 6 ойда планга қўшимча 42 минг сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Жами тайёрланган маҳсулот эса 700 минг сўмликдан ортди.

Корхона маҳаллий саноат корхоналари учун ёрлиқлар, картон қутилар, гулли этикеткалар, альбомлар, ҳар хил папкалар, ҳужжатларнинг муқоваларини учун гилофлар, боғча ёшидаги ва бошланғич синфларнинг ўқувчиларига ўқишни ва ҳисоб-китобни ўргатишга хизмат қиладиган ўйинчоқлар бухгалтерия бланкалари ва бошқа буюмлар ишлаб чиқаради.

275 кишилик коллективда 38 процент ишчи инвалид ва пенсионерлардан ташкил топган. Улар ҳамжиҳатликда меҳнат қилишади. Цехларда гоят кўтаринки руҳ ҳукмрон. Картон қутилар тайёрлов цехида коммунист Козим Ёқубов бошлиқ ишчилар чаққон меҳнат қилиб, СССР ташкил топган кунинг 60 йиллиги шарафига беш йилликни уч йилда бажаришга аҳд қилишган. Васила Файзуллаева, Машкура Хожиева, Умри Турдиевалар илғор бригаданинг пешқадамлари саналади.

Бадиий-конструкторлик бюроси цехлари янги, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланиши натижасида қўл меҳнати камаймоқда. ГДР ва Чехословакия Социалистик Республикалари маҳсулоти «ДО-53», «Ромайор—313, 314» маркали ва бошқа машиналар меҳнат унумдорлигини ошириш имконини берянти.

Яқинда пойтахтимизда бўлиб ўтган Осиё, Африка ва Лотин Америкаси мамлакатлари кинофестивали қатнашчилари шарафига республиканинг 48 та корхонасидан қабул қилинган буюртмалар аъло сифатга тайёрланди. «Ўзбекистон ёдгорлиги», «Хонатлас» қутилари устига туширилган турли рангдаги нақшидор гуллар кинофестиваль меҳмонларига манзур бўлди. Ҳозирги кунда эса СССРнинг 60 йиллигига уч хил рангли адьбом ишлаб чиқаришга киришилди.

Келаси йили Тошкентнинг 2000 йиллиги нишонланади. Тўйга тўёна билан бориш ҳар бир цех ишчисининг шиорига айланган. Шарафли ва баракали меҳнат қилиб келаётган Мунис Азизхўжаева, Серик Сеитов, Аркадий Галкин, Нина Горбатова, Лобархон Жалоловалар беш йиллик топшириқларини тарихий сана арафасида бажариш орзусида тер тўкмоқдалар.

Корхона ёш бўлса ҳам салмоқли ютуқларни қўлга киритди. Унинчи беш йиллик топшириқларини 3,5 йилда маррасига етказганлиги учун ва Ўзбекистон КП Тошкент шаҳар комитети ва шаҳар Совети ижроия комитети, область касаба союзлари Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ шаҳар комитетининг фахрий ёрлиғи билан тақдирланди.

— Биз йил сайин буюртмаларни шараф билан адо этиб келяпмиз. Бу йил босмахонанинг қоғоз қути ва тайёрлов цехлари қайта жиҳозланиб, ишлаб чиқариш самарадорлиги янада оширилади, — дейди корхона директори Файзулла Маннонов. — Шу билан бирга йил охирига қадар пландан ташқари 15 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарамиз. Меҳнат унумдорлигини ошириб, хом ашё, материал ва электр энергиясини тежаш ҳисобига 1 минг сўм иқтисод қиламиз.

... Корхона ҳовлисидов-дарахт ва гулларга бурканган. Унинг ишчан коллективи улкан режалар, янги-янги орзу ва умидлар билан яшайди.

**Ф. АБДУРАҲИМОВ.**

*Меҳнат семестри—82*

# ШИЖОАТКОР ЁШЛАР АҲДИ

«Ҳар бир студент ва ўқувчи олий ўқув юртида ҳамда техникумда ўқиш даврида студент отрядлари мактабини ўташига ҳаракат қилишсин. Ватанпарварлик ҳаракатининг энг яхши анъаналари ривожлантирилсин, студентлар меҳнати ва илмий фаолиятининг хилма-хил турларини ташкил этишда отряд принципларидан фаол фойдаланилсин», — дейилган ВЛКСМ XIX съездининг резолюцияларида.

Студент зардоб отрядлар тузиш ва қурилишларда фаол иштирок этиш бўйича бой тажриба тўплаган Тошкент Давлат университетининг 1800 дан ортиқ ўтюрак бунёдкорларининг бу йилги режалари улкан. Улар мавсумда 1 миллион 650 минг сўмликдан зиёд иш бажаришни ният қилиб турибдилар. Ёшларнинг қайноқ меҳри ва уддабурро қўллари билан кўплаб маданий-маиший объектлар, социал мақсадлардаги қурилишлар амалга оширилади.

...«СССРнинг 60 йиллигига — 60 зардоб ҳафта!». шиори остида ишлашга қарор қилган 500 дан ортиқ студент Тюмень областининг зардоб қурилишларига йўл олди.

Биз сафар олдидан бунёдкор студентлар даврасида бўлиб, уларнинг бу йилги ўй ва режалари, планлари ҳақида суҳбатлашдик.

— Сифатли ва жонбозлик билан ишлаш учинчи меҳнат семестрида қатнашадиган ҳар бир йигит-қизнинг мақсадига айланган десам янглишмаган бўламан, —дейди герман филологияси 3-курс студенти Гавиля Зокирова.— Масалан, бизнинг 50 студентдан иборат бўлган «Фиалка» отряди бу йил Тюмень областида уй-жой, мактаб, боғча ва бошқа маданий-маиший биноларнинг қурилишларида зардобчарсига меҳнат қилишга сўз беришган. Бизнинг бу йилги маррамиз 130 минг сўмликдан зиёд иш бажариб, СССР 60 йиллигига муносиб совға билан келишдир. З. Асилова, М. Аҳмедова, Ў. Иброҳимов каби ўртоқларим ҳам бу йилги меҳнат семестрларига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшади.

Ҳа, мамлакатимиз олдинги марраларида меҳнат қилиш шарафига муяссар бўлиш осон эмас. Ўқишда ҳам, жамоат ишларида ҳам ҳаммага ўрнак бўлган студентлар-гагина йўлланма берилади. Шижоаткор ёшларнинг кўпчилиги Тюмень областида ўзларининг чиниқиш мактабларини ўтайдилар. Улар орасида меҳнат ўтида тобланган «ветеран»лари ҳам, илк бор, романтикага бой таассуротлар билан жўнаб кетаётган «ёшлари ҳам учратиш мумкин.

— Менинг аризамни университет студент қурилиш отряди штабида кўриб чиқиб, «Реагент» отрядига қабул қилганликларидан беҳад хурсандман, — дейди химия факультетининг 2-курс студенти Илҳом Назаров.— Дўстларим билан биргаликда юртим ишига ҳиссамни қўшаётганимдан фахрланаман. Ҳаётимдаги бу биринчи меҳнат семестрида кучимиз, қобилиятимиз, иродамизни яна бир бор синовдан ўтказамиз.

Биз фақатгина ТошдУ университети студентларининг меҳнат қиладиган бир жабҳасини олдик, холос. Ваҳоланки, республикамиз ёшларининг 38 минг кишилик отряди Бутуниттифоқ ва республика комсомол зардоб қурилишларида, Тюмень области, Олтой ўлкаси, Ноқоратупроқ зона ва бошқа областларни ўзлаштиришда қатнашади. Олдиларига қўйган вазифаларини адо этишларида биз уларга тилакдошмиз.

**Ш. НАБИХЎЖАЕВА, О. ИСРОИЛОВА,**
**Тошкент Давлат университетининг студентлари.**

• Беш йиллик илғорлари

# ЎЗ КАСБИНИНГ УСТАСИ

В. П. Чкалов номидаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси 27-цехининг слесари К. Юсупов тақдирини ўзи яратган ишчилардан. Шу йилнинг бошларида тажрибали ишчи меҳнатда эришган ютуқлари учун III даражали Меҳнат Шуҳрати ордени билан мукофотланди. Бу унинг биринчи ордени. Албатта, гап мукофот ёки орденда эмас. Гап ишнинг қай даражада ҳалол бажарилишида. К. Юсупов бирлашмада ана шундай ҳалол ва фидоий ишчи сифатида ном қозонган.

Моҳир ишчининг коллективимизда ишлаётганига мана, 20 йилдан ошмоқда. Бу давр мобайнида у ўз касбини обдон ўзлаштирди. Унинг ишчилик малакасини олтинчи разряд белгилаб турибди. Бирлашмада 38 йилдан бери ҳалол меҳнат қилиб келаётган ветеран ишчи, маҳсулот сифатини назорат қилиш бўйича мастер А. Иброҳимов, К. Юсупов ҳақида шундай дейди:

— К. Юсупов тайёрлаган деталларни назардан ўтказиш менга ҳамиша завқ бағишлайди. Улар юксак сифатлилиги билан, бежиримлиги ҳамда сидқидилдан қилинганлиги билан алоҳида ажралиб туради.

Пешқадам ишчи ўз муваффақиятлари кетидан қувмай, ёш ишчиларга ҳам ҳамиша бош-қош бўлиб туради, касб қийинчиликлари бўйича ҳолисона маслаҳатларини улардан дариғ тутмайди. Унинг ўнлаб шогирдлари айни пайтда у билан ёнма-ён туриб меҳнат қилишмоқда. Ана шундай ёш ишчилардан бири А. Тендир. Бу меҳнатсевар ишчи план-топшириқларини муддатидан илгари ошириб бажариш билан устозининг ҳурматини қозонган.

К. Юсупов касбдан ташқари ишларни иккиланмай бажариш, иш вақтидан унумли фойдалана билиш билан ҳам цех коллективининг ҳурматини қозонган. Бу эса у эришаётган юқори кўрсаткичларнинг гарови бўлмоқда.

Моҳир слесарь айни пайтда СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллигига бағишланган социалистик мусобақада пешқадамлик қилмоқда. У меҳнатни енгиллаштириш —кам куч сарфлаб, кўп маҳсулот олишда ўзи ўйлаб топган усулларини ҳам муваффақият билан қўллай билади. Унинг слесарлик дастгоҳини ўз қўли билан яратган кўпгина қурилмалар безаб турибди. Бу ишни енгиллаштириш билан бирга меҳнат унумдорлигини ҳам оширади.

Пешқадам ишчининг бу қуйманишлари бежиз эмас. У миллионлаб совет кишилари қатори буюк мамлакатимизнинг муборак юбилейини катта муваффақиятлар билан кутиб олишга аҳд қилган.

**С. ЧИНАЕВ,**
**В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасининг 27-цехи фрезерчиси.**

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ»ДА БОСИЛГАНДАН КЕЙИН

# «БУ ҚАНАҚАСИ?»

**Газетанинг 2 июль сонида юқоридаги сарлавҳа остида Октябрь районидаги 20-алоқа бўлимининг кўнгилдагидек ишламаётгани танқид қилинган эди.**

**Шаҳар почта алоқа ишлаб чиқариш бошқармаси Октябрь район алоқа узелидан олинган жавобда почтада тартиб ўрнатилгани, нуқсонларга йўл қўйгани учун 20-бўлим мудирининг ўринбосари С. Мансуров иккинчи квартал иш якунлари бўйича мукофотдан маҳрум этилгани хабар қилинди. Газета материали коллектив ўртасида муҳокама этилиб, хат-хабар, газета ва журналларни аҳолига ўз вақтида етказиш юзасидан конкрет чора ва тартиблар белгиланди.**

# «ШИША ИДИШЛАР МАСАЛАСИДА ҚАЧОН ТАРТИБ ЎРНАТИЛАДИ?»

**Фрунзе райпишчеторгига қарашли айрим магазинларда аҳолидан шиша-идишларни қабул қилиб олишда пала-партишликларга йўл қўйилаётгани юқоридаги сарлавҳали материалда танқид қилинган эди.**

**Фрунзе райпишчеторгидан олинган жавобда 9-ва 22-магазинларнинг сотувчилари У. Расулов ва В. Урванцевлар молия тартибини бузганлари учун ишлари ўртоқлик судига оширилгани хабар қилинган. Аҳолидан шиша идишлар қабул қилиш махсус назорат остига олинди. Шиша идишларни қабул этишдан бош тортганларга нисбатан қаттиқ маъмурий чора кўрилади.**



ЖАҲОН ОЙНАСИ

ТАСС МУХБИРЛАРИ ХАБАР БЕРАДИЛАР

## ОТПУСКАЛАР МАВСУМИ

ПРАГА. Июль ойининг иккинчи ярми Чехословакияда оммавий отпускалар мавсуми ҳисобланади. Кўпчилик корхоналарда, айниқса химия саноатида ва истеъмол моллари ишлаб чиқарувчи соҳада ишлаб чиқариш жараёни тўхтатилади. Айни бир вақтнинг ўзида бутун коллектив отпускага чиқади.

Чехословакия мутахассисларининг фикрича, отпускага чиқишнинг бундай тартиби муайян афзалликларга эга. Масалан мазкур тармоқларда бу йил асосий ишлаб чиқариш қуролларини сақлаш ва ремонт қилиш учун 6 миллиард крон ажратилган. Корхона ишлаб турган шароитда шундай катта ҳажмдаги ишни бажариш қийин. Бундай корхонада битта агрегат тўхтатилган тақдирда бутун цехнинг иши тўхтаб қолади. Ялпи отпускага чиқиш практикаси шу қийинчиликдан қутулиш имкониятини беради.

Минг-минглаб ремонт ишчилари шу кунларда Брно шаҳридаги Пршеров химия заводида «Збройовка» заводида ва юзлаб бошқа корхоналарда айрим узелларни ўзгартиришга ва ишлаб чиқариш линияларини ремонт қилишга киришдилар. Ремонт ишларини уюштириш, шунингдек корхоналарни реконструкциялаш ва янгилаш учун махсус бригадалар тузилган, графиклар ишлаб чиқилган. Тегишли материал ва запас қисмлар жамғарилган. Одат бўйича ремонт ишлари уч сменада олиб борилади.

## НЕФТЬ ТАНКЕРИ

БУХАРЕСТ. Руминиянинг Констанца шаҳридаги кемасозлик корхонасида 150 миллион тонна ҳажмдаги «Бируинца» нефть танкери сувга туширилди. Руминия кемасозлари республиканинг савдо флоти учун шунга ўхшаш учта кемани қуриб бердилар. «Бируинца» танкерининг узунлиги 304 метр ва эни 46 метрдир. Қудратли двигатель бу катта танкерни соатига 16 узель тезликда сузишига имкон беради.

## ГДР ТЕМИР ЙЎЛЛАРИДА

БЕРЛИН. ГДРнинг энг катта транспорт узелларидан бири Нейштрелиц шаҳридаги локомотив депоси меҳнаткашларига топширилган янги совет тепловози корпусига «1250» рақами ёзилган плакат илиб қўйилган. Бутуниттифоқ «Энергомашэкспорт» бирлашмаси республикага ҳар бири 3 минг от кучига эга бўлган шу хилдаги 1250 та локомотивни топширди.

СССРда ясалган бу тепловозлар ГДР га турли транспорт воситаларини ишлаб чиқаришни ихтисослаш ва кооперативлаш тўғрисидаги ўзаро шартномалар асосида ГДР га етказиб берилмоқда. Ҳозирги вақтда республиканинг пўлат магистралларида ишлаётган совет локомотивларининг умумий кучи 3 миллион от кучидан кўп.

# РЕВОЛЮЦИЯ ҒАЛАБАЛАРИНИНГ ПОСБОНИ

**БУГУН — ПОЛЬШАНИНГ ТИКЛАНИШ КУНИ, ПОЛЯК ХАЛҚИНИНГ МИЛЛИЙ БАЙРАМИ.**

Польша меҳнаткашлари бу йил Польша тикланган кунни, ўзининг буюк миллий байрамини мамлакат контрреволюцион кучларинг ҳаракатлари натижасида рўй берган анархия ва тартибсизликни аста-секин бартараф қилаётган бир шароитда нишонламоқдалар. Ўтган йилнинг декабрь ойида ҳарбий ҳолат жорий этилганлиги «бирдамлик» касаба союз бирлашмаси ва бошқа антисоциалистик ташкилотлар раҳбарларининг ошкора фаолиятига чек қўйди. Польша Бирлашган ишчи партияси Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси, Миллий Нажот Ҳарбий Кенгаши ва Польша ҳукумати томонидан кўрилган тадбирларни барча поляк ватанпарварлари астойдил қўллаб-қувватлам о қ далар. Халқ хўжалигида тартиб ўрнатилмоқда, партия ташкилотлари актив иш кўра бошладилар.

Польшанинг тикланиш куни — поляк халқ ҳаётида шонли санадир. Бу сана хусусан поляк халқ қўшини ветеранларига жуда азиздир. Улар совет жангчилари билан биргаликда каттиқ жангларда қатнашиб, мамлакатни немис-фашист босқинчилардан озод қилдилар, халққа эркинлик, адолат ва мустақиллик келтирдилар, уларга социализм қуриш йўлини очиб бердилар.

Иккинчи жаҳон уруши йилларида Совет Армияси сафларида туриб жанг қилган поляк жангчилари кенгашининг раиси истеъфодаги полковник Б. Брайловский билан байрам арафасида учрашишга муяссар бўлдим.

— Бизга,— деб ҳикоя қилади у, — ўз ҳаётимизда кўп нарсани— чекиниш аламларини ҳам, ғалаба шодлигини ҳам татиб кўришга тўғри келди. Бизнинг орамизда инсоният тарихидаги ана шу энг даҳшатли урушда омон қолган кишилар кам. Ҳозирги вақтда ташкилотимизда 10 минг киши бор. Совет —Польша дўстлиги Москва атрофидаги қор босган далаларда, Сталинград ёнидаги урушда, Курск дугасидаги оғир жангларда, Польшани гитлерчи босқинчилардан озод қилиш жараёнида чиниқди. Совет Армияси билан биргаликда Польша диёрини озод қилган кишилар бизни хурсандчилик билан кутиб олган поляклларнинг шоду-хуррам чеҳрасини асло эсдан чиқармайдилар.

Польша Миллий Озодлик Комитети 1944 йил 22 июльда тарихий манифестни Хелмда эшиттирди. Бу манифест Польша демократик давлати тузилганлигини, бутун ҳокимият халқ қўлига ўтганлигини эълон қилди. Халқ ҳокимиятини барпо этиш, вайрон қилинган экономикани тиклашнинг қийин даври бошланди. Биз қўлга қурол олиб, яширин шароитда иш олиб борган контрреволюцияга қарши, Лондондаги реакцион муҳожир ҳукумат раҳбарлик қилган шайкаларга қарши шафқатсиз курашдик.

Суҳбатдошим сўзини давом эттириб, бундай деди: поляк халқининг, хусусан ёшларнинг тинч бунёдкорлик меҳнатидаги ғайрат-шижоатни яхши эслайман. Халқ ҳокимияти йилларида жуда катта муваффақиятларга эришилди. Варшава ва Польшанинг бошқа шаҳарлари ҳаробалар устида тикланди. Совет Иттифоқининг ва бошқа социалистик мамлакатларнинг ёрдами туфайли қудратли индустрия вужудга келтирилди. Мамлакат кўмир қазиб чиқариш соҳасида Европада иккинчи ўринни эгаллайди. Кўп миқдорда мис рудаси ва олтингугурт қазиб чиқарилмоқда. Авиация ва автомобиль саноати, нефть химияси ва шулар каби янги соҳалар вужудга келди. Кемасозлик, машинасозлик, радиотехника саноатида жуда катта ютуқлар қўлга киритилди. Аммо бизда Ғарбга хос нуқул истеъмолчилик кайфиятларини пропаганда қила бошладилар. Жамиятда қарама-қаршилик кучайди, партия ички ҳаётининг ленинча нормалари бузилди. Контрреволюция ошкора ҳаракат қила бошлади. Буларнинг ҳаммаси Гданьск соҳилида 1980 йил август воқеаларига олиб келди. Собиқ поляк капиталистлари ва помешчикларининг арзандалари «Бирдамлик» раҳбарларини қўллаб-қувватладилар. Улар аслида касаба союз бирлашмасини бошқариб, унинг ёрдами билан Польшадаги социалистик тузумни ағдариб ташлашга, мамлакатда капитализмни қайтадан тиклашга интилдилар. «Бирдамлик» қутириб кетган даврда безори унсурлар Польшани озод қилиш учун ҳалок бўлган совет солдатларининг қабрлари ва ёдгорликларини ҳақорат қилганлиги ва, уруш ветеранларининг дилини ранжитди.

Б. Брайловский яна қуйидагиларни айтди: биз социализмни ҳимоя қилишга яна отландик. Гитлерчи босқинчиларга қарши жангларда чиниққанимиз туфайли руҳий террор, ўлдириш билан таҳдид қилишларга бардош бердик. Контрреволюция аҳолини террор ва ўлдириш билан чўчитмоқчи бўлган эди. Ташкилотимизнинг аъзолари «бирдамлик» даги экстремистларни, халқаро империализмнинг Халқ Польшасини социалистик мамлакатларнинг қардошлик оиласидан ажратиб қўйиш режаларини дадил фош қилиб ташладилар.

Польшада ҳарбий ҳолатнинг жорий этилиши Ғарбдаги диверсиячи марказларнинг фармойиши билан ҳаракат қилган контрреволюцион гуруҳларнинг, «бирдамлик»даги экстремистларнинг ёвуз режаларини барбод этди.

Польшада вазият аста-секин изга тушиб, аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари ва мол билан таъминлаш яхшиланаётган, турмуш нормаллашиб бораётган ҳозирги пайтда ҳали тамомила янчиб ташланмаган контрреволюция яна бош кўтариб, тарих ғилдирагини орқага бурриб юборишга уринмоқда. Ғарбнинг бузғунчи радио станциялари эртаю-кеч Польшага туҳмат тошини ёғдирмоқдалар, мамлакатдаги аҳвол тўғрисида жаҳон жамоатчилигига нотўғри маълумот бериб, яширин шароитда иш олиб бораётган контрреволюционерларга йўл-йўриқ кўрсатмоқдалар.

Ҳозирги мураккаб вазиятда, — деб таъкидлади Б. Брайловский, — биз, ветеранларнинг асосий вазифаси— Совет —Польша дўстлигини пропаганда қилишдан, реакцион унсурлар тарқатишга уринаётган антисоветизм билан қатъий кураш олиб боришдан иборат. Уруш ветеранлари ёшлар билан учрашган вақтда Совет Иттифоқининг, социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан катта ёрдам бераётганлиги тўғрисида гапирмоқдалар. Бундай ёрдам бўлмаганида, Ғарб давлатларининг катта иқтисодий қамалида қолган Польша яшай олмаган бўлур эди, поляк халқига эса миллий фалокат таҳдид қилган бўлур эди. Биз совет турмуш турзини пропаганда қилмоқдамиз, ёшларни социалистик принциплар руҳида тарбияламоқдамиз.

Польша Халқ Республикасининг конституциясида, — деди сўзининг охирида Б. Брайловский, — мамлакатда ҳокимият ишчи ва деҳқонларники, давлат тузуми социалистик тузумдир, Совет Иттифоқи билан дўстлик ва ҳамкорлик бу тузум ташқи сиёсатининг негизидир, деб аниқ равшан ёзиб қўйилган. Биз шу мақсадда уруш майдонларида совет солдатлари билан биргаликда қон тўкдик ва социалистик ватанга ҳеч кимнинг қасд қилишига йўл қўймаймиз.

**М. ТРЕТЬЯКОВ,**
**ТАСС мухбири.**
Варшава.



**ВЕНГРИЯ. Янги, замонавий ускуналар билан жиҳозланган бу цех Дебрецен шаҳрида сут саноати корхонасида фойдаланишга топширилмоқда. Унинг лойиҳа қуввати бир кунда 200 минг литр сутни қайта ишлашга мўлжалланган.**

**МТИ — ТАСС фотоси.**

# ҚИСҚА ХАБАРЛАР

БУДАПЕШТ. Республиканинг энг йирик саноат марказларидан бири бўлган Вишонт шаҳрида энергетикларнинг тажриба ўртоқлашиш кунлари бошланди. Энергетиклар Ю. Гагарин номидаги иссиқлик электр станцияси ва М. Торез номидаги кўмир разрези коллективлари билан учрашадилар, уларнинг иш тажрибаси билан танишадилар, мамлакатнинг ёқилғи-энергетика базасини янада ривожлантириш соҳасидаги вазифаларни муҳокама қиладилар.

∴ ∴ ∴

БЕРЛИН. ГДР пойтахтидаги энг йирик корхоналардан бири бўлган «Зекура» микроэлектроника заводининг меҳнатчилари бу йил пландан ташқари 1,7 миллион маркалик маҳсулот ишлаб чиқаришга аҳд қилдилар. Республика қўшимча равишда мураккаб ҳисоблаш қурилмалари, нусха кўчирадиган асбоблар ва бошқа техника билан бирга, кенг истеъмол молларини ҳам оладилар.

∴ ∴ ∴

ҚОҲИРА. Миснинг Сувайш шаҳри кўчаларида ҳаёт изидан чиқди. Шаҳар марказидаги учта магистрал қувур ёрилиб кетиб, ундан катта босим остида отилиб чиққан сув кўча ва майдонларни босиб кетди, автомобиль ҳаракати тўхтаб қолди, турар жой биноларини, магазинлар ва муассасаларнинг ертўлаларини сувга тўлдирди.

Ана шу катта авария сабабини аниқлаш учун, деб хабар берди «Ал ахбор» газетаси махсус ҳукумат комиссияси тузилди.

# Оила даврасида суҳбатлар

*Яхши фарзанд — дилга пайванд*

# ТЎҒРИ ЎССАНГ — ГУЛ БЎЛАСАН

Келажаги порлоқ ёш авлоди ҳар томонлама камол топган кишилар қилиб тарбиялаш кенг жамоатчиликнинг ғоят муҳим вазифасидир. Ёшларни тарбиялаш масаласи партия ва совет ташкилотларининг, касаба союз ва комсомол ходимларининг, адлия органлари, қоларверса педагогика коллективларининг ҳамиша диққат марказида турмоғи лозим.

Районимиз партия ва совет ташкилотлари, маъмурий органларининг ходимлари меҳнат интизоми ва жамоат тартибини мустаҳкамлаш, ҳуқуқ ва тартиботнинг бузилиши ва унинг оқибатида турли хил жиноятлар содир бўлишининг олдини олиш мақсадида талай ишларни амалга ошириб келмоқдалар. Бугуни кунда жиноятчиликка қарши кураш, социалистик қонунчиликка риоя этиш масалалари партия ва совет активлари, халқ маорифи ходимлари, маҳалла комитетлари, турар жой идоралари, халқ қўғиллари дружиначилари штаблари ва халқ депутатларининг фаолиятларида муҳим таркибий соҳа бўлиб қолди.

Бу борада кенг жамоатчиликка суяниб олиб бораётган ишларимизда бир мунча ижобий натижаларга эришилмоқда. Натижада районимизда жиноятчилик миқдори камайиб бормоқда. Айниқса ёшлар ўртасида жиноятчилик тобора камаймоқда. Жумладан шина ремонти, подшипник ремонти заводларида, пиллакашлик, қўғирчоқ, бош кийимлар фабрикаларида, Абдулла Набиев, Абдулла Қодирий, Янги Тошкент, Ойбек, Беруний, «Маданият», «Янги ҳаёт» маҳаллаларида ўтган йил давомида биронта ҳам жиноят содир бўлмади. Бир қатор микроучасткалар территорияларида ҳам тартиб бузиш ҳоллари рўй бермади. Бу завод ва фабрикаларнинг маъмуриятлари, маҳалла комитетларининг раислари ва активлари, турар жой участкаларининг бошлиқлари кенг жамоатчиликка суяниб тарбиявий ишларни намунали ташкил қилишга эришганликлари самарасидир.

Ёшлар тарбиясига эътиборни кучайтириш мақсадида мактаблар, ўрта махсус таълим ўқув юртларида, маҳаллалар ҳамда корхоналарнинг коллективлари ўртасида ёшларга коммунистик тарбия бериш ҳақида йиғилишлар ўтказиб борилмоқда. Таниқли партия ва жамоат ходимлари, меҳнат ветеранлари, тажрибали педагоглар, ёзувчилар иштирокида ота-оналар йиғилишлари ўтказилмоқда, савол-жавоб кечалари уюштирилмоқда. Бундай йиғилишларни ўтказишдан мақсад ёшларни тарбиялаш масаласига кенг жамоатчиликнинг актив иштирокини таъминлашдан иборатдир. Район прокуратураси ички ишлар бўлими, халқ суди ва вояга етмаганлар билан ишлаш инспекцияси билан биргаликда 19 та мактабда ота-оналар мажлиси ўтказди. Буларда вояга етмаганларни қаровсиз қолдириш ва уларнинг жамоат тартибини бузишларининг сингари жиноятлар қилишган.

Бундай тартиб бузиш ва жиноятга қўл уриш ҳунар-техника билим юртлари ўқувчилари орасида ҳам рўй берган. Район прокуратураси ва милицияси билим юртларининг ўқувчиларидан бир қанчасини жиноят қилиш устида қўлга тушганлиги ҳужжатларини кўриб чиқдилар. Масалан 30-ҳунар-техника билим юртининг ўқувчиси Анвар Ҳайитбоев ва 158-ҳунар-техника билим юртининг ўқувчиси Рустам Қорабоев безорилик ва шунингдек чўнтакка тушаётган чоғларида ушланганлар. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин эди. Аммо прокуратура, милиция органларининг вазифаси ёшларни фақатгина жиноий жазога тортабериш эмас. Балки замонамизнинг етук кишилари қилиб тарбиялаш учун уларни эгри йўлдан қайтариш, ота-оналарини фарзандларининг ана шундай ярамас ишларидан хабардор қилишдан иборатдир.

Хўш, бу жиноятларнинг олдини олиш аслида мумкинми? Албатта мумкин. Агар бу муҳим вазифага жамоатчилик актив киришса, ота-оналар ўз фарзандларининг юриш-туришларидан хабардор бўлсалар, мактаб коллективлари ва маҳалла активлари, турар жой бошқармаларининг ходимлари уюшган ҳолда иш олиб борган тақдирда ҳар қандай жиноятнинг олдини олиш мумкин, дея оламиз.

Кези келганда шуни кўрсатиб ўтмоқ лозимки, райондаги айрим маҳаллалар ва турар жой бошқармалари бу муҳим вазифага эътиборсизлик билан қарашяпти. Натижада «Суръат», «Қўштут», «Коммуна», «Пичоқчилик» маҳаллалари, шунингдек 23, 40, 50, 36, 39-турар жой идоралари территорияларида ёшлар ўртасида кўнгилсиз ҳодисалар бўлиб турмоқда. Бир сўз билан айтганда мазкур маҳалла комитетлари, турар жой идораларининг раҳбарлари ўз территорияларида қонунчиликни мустаҳкамлаш ишига эътиборни кучайтиришлари лозим.

Ёшларнинг корхоналар ва ташкилотлардаги қўнимсизлиги ҳам жамоатчилик эътиборидан четда қолмаслиги керак. Чунки завод ва фабрикалар, қурилиш ҳамда хўжалик ташкилотларида ишлаб турган ўсмирлар ўзбошимчалик билан ишдан кетиб қолмоқдалар. Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчилари ўртасида сабабсиз ўқишдан кетиб қолиш ҳоллари содир бўлмоқда. Шу боисдан бу соҳадаги тарбиявий иш янада кучайтириши мақсадга мувофиқдир. Вояга етмаганлар билан шуғулланувчи комиссия ва болалар инспекцияси ёшларни тарбиялашда корхона ва қурилиш ташкилотларининг раҳбарларига, касаба союзлари ва комсомол ташкилотларига яқиндан ёрдам кўрсатишга даъват этилганлар.

Ота-боболари м и з «Бир болани етти қўшни тарбиялайди», дейишади. Демак, ҳар биримиз ёш авлодни коммунистик жамият учун муносиб қилиб тарбиялаш учун катта, муҳим масъулиятни ҳис этишимиз лозим. Бинобарин, ёшларни меҳнатсевар, билимдон кишилар қилиб тарбиялашда касаба союз, комсомол ходимлари, маъмурий органлар ва умуман кенг жамоатчилик фаол иштирок этиши шу кунинг муҳим вазифасидир.

**А. МУҲАММАДАЛИЕВ,**
**Собир Раҳимов райони прокурори, адлия маслаҳатчиси.**

## ШИНГИЛ МАСЛАҲАТЛАР

### ТУЗ НАМЛАНМАСИН ДЕСАНГИЗ

Маълумки, ош тузи намиқиб қолгундек бўлса, уни маъёрлашда қийинчилик туғилади, шунингдек сабзавотли маҳсулотларнинг таъмини «оби-тоби»га келтириш хийла мураккаблашади. Тузни намликдан холи қилишнинг жуда жўн ва қулай усулидан фойдалансангиз бўлади. Бунинг учун тузданга бир неча гуручни ташлаб қўйиш кифоя.

### СУВАРАКНИ АЛЛАЛАЙДИ

Табиийки, суваракни кўрганимиз ҳамон этимиз жунжиб кетгандай бўлади. Хавфли касалликларни юқтириши мумкин бўлган ўта ҳуддор ва чаққон суваракларни йўқотишни ўйлаб гаранг бўламиз. Табиат мўъжизасини қарангки, «эшикни беркитсангиз, ташиқдан чиқадиган» суваракларни тумтарақай қиладиган гиёҳ зоти ҳам бор экан. Бу — ҳаммамизга таниш бўлган бежирим ва чиройли чечаклардан бири — читтигул кукунидир. Ҳозирда саноат миқёсида чиқариладиган ҳамда дорихоналар арсеналида учраб турадиган читтигул кукуни «Пиретрум»ни хона полларининг рахига, канализация кувури тирсаклари тирқишига, хуллас суварак «лашкар» тортадиган жойларга сепиб қўйилса, эртасига қарабсизки, ўлган, мажолсиз ёки галдир-галдир қилиб юрган суваракларга тўлади. Сизга қолган хизмат — уларни супириб олиш бўлади, холос. Шуни айтиб ўтиш керакки, «Пиретрум» бола-чақалар учун айтарли заҳарли ҳисобланмайди. Мабодо суварак, қумурсқа кушандаси бўлган чиннигул кукунини харид қиладиган бўлсангиз, уни сақланиш даврига эътибор бериш керак. Шунингдек уни қуруқ, салқин жойларда сақлаш лозим бўлади.

**Д. ХУЖАЕВА.**

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Биохимия институти лабораториясида илон ва ҳашаротлар заҳарининг организмда нечаётган мураккаб жараёнларга таъсири ўрганилмоқда.

СУРАТДА: (олдинда) институтнинг катта илмий ходими биология фанлари кандидати Фазлиддин Фатхиддинов ёш ходимлар билан лабораторияда тадқиқот ишларини олиб бормоқда.

• Ажойиботлар оламида

# ЕВГЕНИЙ ПЕТРОВ — ЖИНОЯТ ҚИДИРУВ АГЕНТИ

Вақт ўтиши билан сарғайиб кетган бу ҳужжат СССР Ички ишлар министрлигининг архивида сақланади: «Ушбуни кўрсатувчи ўртоқ Евгений Катаев Одесса Губернияси совет ишчи-деҳқон милицияси жиноят қидирув бўлимининг иккинчи разряд ходими вазифасидир... У хизмат вазифаларини ижро этаётганида барча совет ташкилотлари, шунингдек ҳарбий маъмурлар ва гражданлар тегишли ёрдам кўрсатишга таклиф этиладилар». Ҳужжат 1921 йил 24 октябрида берилган.

Кейинчалик машҳур ёзувчи Евгений Петровга айланган милиция ходимининг қисқача хизмат характеристикасини ўқинг: «Ишчан, ғоят виждонли, жонкуяр. сиёсий баркамол, яхши оператор ва терговчи, ҳаёт тарзи — камтар, яхши ўртоқ».

Ҳужжатларга кўра Евгений Петров милицияда икки йилдан кўпроқ хизмат қилган. Икки йил бўлса-да, қанақанги йиллар эди денг! «Оқлар Одесса губерниясидан бу сафар тамомила жўнаб кетгандилар... Лекин ҳали қизил рангли «Индиан» мотоциклини миниб олган қулоқлар исёнчиларининг ташкилотчиси колонист немис Шок уезд бўйлаб изғиб юрар эди. Кичик-кичик шаҳарчаларни даҳшатга солувчи Иоска пожарник ҳали ёвузликлар қилиб юрар эди. У минган отларига тенг келадиганини фақат ўт ўчирувчи командалардагина топиш мумкин бўлганлигидан шу лақабни олган эди. Ога-нин Мунтянлар ва «Тўмтоқ» лақабли Ангелов деган кимса талончилик қилиб юришар эди. Петлюранинг гумаштаси Заболотний ҳали тутилмаган эди. У ҳар сафар босқин қилганидан сўнг Днестр орқали руминалар тарафига ўтиб кетар эди.

Евгений Петровнинг ҳамюрти, тенгқури ва «Гудок» газетасининг редакциясида бирга ишлашган ўртоғи ёзувчи Александр Козачинский «Кўк арава» деган қиссасида 20-йиллар бошидаги Одессани шундай тасвирланган эди. Евгений Петров киссанинг бош қаҳрамони Володя Патрекеевга жуда-жуда ўхшаб кетиши ҳам тасодифий бўлмаса керак.

Е. Петровнинг ўзи «Дўстим Ильф» деган мақоласида ўша вақтлар тўғрисида бундай деб ёзади: «Очлиқдан ўлган кишиларнинг жасадлари устидан хатлаб ўтиб, ўн еттита қотиллик хусусида тергов олиб бордим. Ишлар дарров трибуналга ошириларди эди. Модда деган нарса йўқ эди ва жиноятчилар «Революция номи билан» суд қилинарди. Революция петлюрачилар ва деникинчиларнинг сўнгги асорати — бандитизмни елкасидан улоқтириб ташлашга ошиқарди».

Евгений Петров «Кўк арава»га ҳўшаб «революция эндигина озод этган кишилар» қотиллар қўлида ўлиб кетишига йўл қўя олмас эди.

Ёш оператив ходимнинг ишчи қийин эди. Унинг хотиларида мана шундай сатрлар бор: «Уч-тўрт кун, нари борса бир ҳафта умрим қолган. деб қисоблар эдим. Шу фикрга кўникиб кетган эдим, ҳеч қачон ҳеч қандай ҳаёт режалари тузиб юрмас эдим».

Шундай бўлса-да Евгений Петров бу ишини гарк этишни хоҳламас эди. Немислардан ўлжа олинган чарм камзулда, ёнига тўппонча осган ва камзул астари орасига ўн сўмликни тикиб қўйиб, 1923 йилда Москвага келди. Бу ерда акаси ёзувчи Валентин Катаев яшарди. Шунда у Москва жиноий қидирув бўлимига киримоқчи бўлиб ҳатто ҳужжатларини ҳам топширган эди. Лекин орзуси ушалмади ва Е. Петров қутилмаганда матбуотда ишлай бошлади. 1925 йилда у Илья Ильф билан танишди ва натижада «Ўн икки стул» романи ва бошқа кўп шўх ва ибратли китоблар пайдо бўлди.

Адабиёт бу касб ўзаришидан ютди албатта, лекин Москва жиноий қидирув бўлимидагилар қимматли ходимни «қўлдан чиқариб» юборганликларидан афсусланишарди.

**В. ИТКИН,**
**ТАСС мухбири.**

## ТО Справкалар бюроси

### ХАТЛАРГА ЖАВОБ БЕРАМИЗ

**Р. БОБОЕВ: Улуғ Ватан уруши йилларида жароҳатланиб ўз вақтида группа ололмаган кишилар пенсияга неча ёшдан чиқишлари мумкин? Бу ҳақда қаерга мурожаат қилиш керак? Шулар ҳақида маълумот берсангиз.**

**Жавоб:** Улуғ Ватан уруши йилларида жароҳатланиб группа ололмаган кишилар ўзлари истиқомат қилиб турадиган жойдаги поликлиникадан йўлланма олиб, врачлик меҳнат эксперт комиссиясидан кўрикдан ўтишлари керак. Агар врачлик меҳнат эксперт комиссияси бундай кишиларнинг соғлиги яхшилигини исботласа, улар умумий асосда 60 ёшдан пенсияга чиқадилар. Уруш вақтида олинган жароҳат асорати асосида бирон касалликка чалинган уруш қатнашчиларига группа берилади.

* * *

**Н. ИСАЕВА, М. ХОЛМАТОВА: Биз, ишчи аёлларга ҳомиладорлик ва туғиш отпускаси ҳақида маълумот беришингизни илтимос қиламиз.**

**Жавоб:** Маълумки, ҳомиладорлик ва туғиш отпускаси — ишчи ва хизматчи аёлларга она ва боланинг соғлигини муҳофаза қилиш мақсадида бола туғишларидан олдин 56 календарь кун ва бола туққанларидан кейин 56 календарь кундан иборат бериладиган махсус отпускадир. Туғиш нормал бўлмаган ёки 2 ва ундан кўпроқ бола туғилган ҳолларда бола туққандан кейинги отпуска 70 календарь кунга узайтирилади. Отпуска ҳомиладор аёллар учун консультация врачлари, булар бўлмаган тақдирда — умумий даволаш муассасаларининг акушер-гинекологлари берган касаллик варақасига асосан берилади. Бу хил муассасалар бўлмаган ҳолларда эса касаллик варақаси умумий касалларни қабул қилувчи врач томонидан берилади. Бевосита туғруқхонанинг ўзидан яғи туғилган болани белгиланган тартибда фарзандликка олган ишчи ва хизматчи аёлларга ҳам бола фарзандликка олинган кундан бошлаб шу бола туғилганидан 56 кун ўтганга қадар бўлган даврга отпуска берилади. Бундай ҳолларда касаллик варақаси фарзандликка олганлик ҳақидаги ҳужжат тақдим қилингач, туғруқхона врачи томонидан берилади. Ҳомиладорлик ва туғиш отпускаси тугагандан сўнг иш ҳақи сақланмаган ҳолдаги отпускалар ҳам тегишли асосларда ишчи ва хизматчи аёлларга берилади.

* * *

**Ш. КАРИМОВА: Шаҳримизда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда медицина ҳамшираларини тайёрлайдиган курслар борми?**

**Жавоб:** Шаҳримизда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда медицина ҳамшираларини тайёрлайдиган курслар йўқ. Лекин Охунбобоев номидаги республика медицина билим юрти ва Боровский номидаги Тошкент медицина билим юртида юксак малакали мутахассислар тайёрланади. Ўзингизни қизиқтирган масалалар хусусида, шу билим юртларига қабул шартлари тўғрисида батафсил маълумотларни бевосита билим юртларининг ўзидан билиб олишингиз мумкин.

* * *

**Б. ШЕРМАТОВ: Уйларга ўрнатилган радиоточкалар ишламай қолганда қаерга мурожаат қилиш керак?**

**Жавоб:** Бунинг учун ўзингиз истиқомат қилиб турган райондаги радиоузель бўлимига мурожаат қилинг. Адресингизни қолдирсангиз радиоузель усталари уйингизга бориб, репродукторларни ишлатиб беришади.

# НОН АЗИЗ

(ҚАТРА)

Қўча эшикдан ҳовлига кириб келдиму, ёқимли исдан димоғим чоғ бўлиб кетди: бутун борлиқни нон иси, жудаям хушбўй нон иси тутиб кетган эди. Бундай қарасам, ойижонним ўчоқвошида ловиллаб турган тандирга нон ёпаяптилар. Бир олам қувониб кетдим:

— Хоманг ойижон, нон ёпяпсизми? — дедим севинч билан, — ўқишдан жуда қорним очиб келувдим.

— Яхши ўқиб келдингми? — дедилар ойижонним, — мана иссиқ нон, сувга ботириб еб ола қол.

Қўлимда лоларанг нон! Шунақанги иссиқки, тафти ойижонимнинг қалбларига ўхшайди. Чопиб бордиму, икки четини майса босган ариқдан оқаётган зилол сувга нонни ботирдим. Нон иссиқлигидан сув сатҳида пуфакчалар пайдо бўлди. Синдириб еярканман, илиқ-иссиқ нондан бутун вужоитанамга лаззат ҳисси жимирлаб югурди.

— Жудаям ширин нон ёпибсиз, ойижон, — дедим, ҳозиргина ўчоқвошидан чиққан ойижонимга.

Шу пайт қўлимдан бир бўлак нон сувга тушди-ю, оқиб кетди. Буни кўрган ойижоним қошларини чимириб, менга қойидилар:

— Муяссар қизим, нега нонни тўкиб еяпсан?.. Яхшимас қизим, нонни ҳеч қачон увол қилма, ёмон бўлади.

— Ўзингиз, нон одамдан азиз бўлибдими, дегандингиз-ку, яна мени уришасиз...

— Тўғри, оппоқ қизим, одам азиз, лекин нон ҳам азиз, ахир инсон-рўзимиз нон бўлмаса, қандай кун кўрамиз.

Шу воқеага ҳам неча йиллар бўлди. Эсимни таниб, уй-рўзғор тутиб нон имонсиз азизлигини тушундим. Энди ойижоним йўқлар. Ўзим тандирдан лоларанг нонларни узарканман, ойижонимнинг «нон- азиз» деган дур-гавҳар сўзларини эслайман, кўзларимга ёш оламан. Иссиқ нонни қўзичоқларимга бера турибман:

— Азизларим, нонни ерга туширманг, нон азиз,— дейман.

Болаларим беғубор кўзларини мўлтиратиб нон тишлашади, мен эса бир олам қувониб кетаман.

**Шоиста АЛИМОВА.**

Ҳар фаслнинг ўз ҳислати бор. Олтин ёз боғроғларимизни ширин-шарбат мевалар билан безаб юборди. Болаларнинг қувончи бир олам. Мана бу бахтиёр бола ҳам боғ гаштини сураяпти.

Фарида ТУЙЧИЕВА фотоэтюди.

Уй-рўзғор ташвишида

# КУЯНИНГ КУШАНДАСИ

**Ҳурматли редакция! Уйдаги буюмларга, кийим-кечакларга куя тушади. Куяни қандай йўқотиш керак? Шу ҳақда маълумот берсангиз.**

**Муяссар ОДИЛОВА,**
**уй бекаси.**

Куялар кенг тарқалган капалаклар оиласига кирадиган ҳашаротлардир. 1500 та турдан 400 га яқини СССРда учрайди. Қанотлари ёзилганда 1—5 сантиметр бўлади, асосан турар жойларда, омборларда яшайди. Куялар орасида зараркунандалари кўп. Поя куясининг қуртлари буғдой ва жавдар ўсимлик поя-ларини, омбор куясининг қуртлари жавдар, буғдой, арпа, сули, қуритилган мева, пўстин куяси ва кийим куяси қуртлари эса жун, жунли матоларни ва бошқаларни зарарлайди.

Куяга қарши нафталин ва бошқа бир қанча кимёвий дорилар ишлатилади. Шу билан бирга. куялар қаттиқ иссиққа ва совуққа, қуёш нурига тоқати йўқ, тезда ҳалок бўлади.

Биттагина куя йил мобайнида 30 килограммгача жун ел олишини эшитганмисиз? Бу очофат ҳашарот мўйна, ипак, шойи, пахта, ҳатто синтетик матоларни ҳам кемиришдан тап тортмайди. Эҳтиёт қилинмаса ширинликларга ҳам путур етказиши турган гап. Куянинг катасидан кўра, капалаги, қуртидан янги чиққан личинкалари ебтўймас бўлади. Улар тўп-тўп оқ қуртчалар бўлиб, жуда ҳаракатчан бўладилар.

Хўш, куяни йўқотиш ва унинг тарқалишига йўл қўймаслик учун қандай чора кўриш керак? Одатда куя тухуми матога яхши ёпишолмай, кийимкечакнинг чоки, қати ва бурмалари орасида жон сақлайди, шунинг учун уларни обдон қоқиб, чўткалаш керак. Деворга осиб қўйиладиган гиламни олиб яхшилаб чўткалаб, сўнг унга мохорка (тамаки), ялпиз япроғи ёки лимон пўсти сепиб, бир-икки кун ўраб қўйилади. Бунда, шу ҳидли япроқлар таъсирида куя личинкалари тезда ҳалок бўлади. Икки-уч кундан сўнг яна гиламни ўз жойига илишингиз мумкин. Девор орқасига «Дихлофос» пуркаб қўйилади. Бундай дорилашда гилам ўз рангини мутлақо йўқотмайди.

Нафталин, ялпиз, тамаки, лаванда мойи, қалампир, апельсин пўчоғи каби «куядори»лар бу ҳашаротнинг қисман йўқолишига ёрдам беради. Куя буларнинг ўткир ҳидига дош беролмай, карахт бўлади. Личинкаларига юр қилувчи воситаларни ҳам қўллаш зарур.

Рангсиз, ўзига хос ҳидли, пластинкасимон кристалл бўлган нафталин баъзи бир кишиларда бош оғригини пайдо қилади. Бу баъзи хил маҳсулотларнинг рангига ҳам салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу кунларда куяни фақат махсус химиявий воситалар билангина қириб ташлаш мумкин. Куяга яхши таъсир қиладиган «Антимоль» таблеткасини кийим шкафининг юқори полкасига чамадон ва сандиқлардаги кийимбошлар устига қўйиш тавсия этилади Икки-уч кундан сўнг улар йиғиб олиниб, целофан ёки қалин қоғозга ўраб алоҳида совуқ жойда сақланиши лозим. «Антимол»ни озиқ-овқат маҳсулотларига яқин сақлаш мутлақо ярамайди.

Шундай қилингандагина кийим кушандаси бўлмиш куяга қарши курашган бўласиз ва матоларингиз сифатини йўқотмайди.

**О. КАРИМОВА,**
**инженер-технолог.**

УЗБЕКИСТОН ВА ЖАҲОН

# «АЖОЙИБ НАШР БИЛАН ТАБРИКЛАЙМАН»

Америкалик машҳур филолог ва тарихчи, Ўрта Шарқни ўрганиш программасининг раиси, Висконсин университетининг профессори Кемал Х. Карпет жаҳон адабиётининг қимматли ёдгорлиги бўлган «Бобирнома»га миниатюралар» нашри тўғрисида ана шундай фикр билдирди.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Х. С. Сулаймонов номли қўлёзмалар институтида яратилган миниатюралар альбоми мазкур асар юзага келган вақтдан бери ўтган 500 йил давомида миниатюра, каллиграфия, қўлёзма китоб графикасининг ноёб намуналарини яратган рассомлар асарларининг биринчи марта нашр этилишидир.

«Сизлар, — деб ёзади америкалик олим, — ажойиб ишни амалга оширдингиз. — «Бобирнома»нинг Англия, Ҳиндистон ва бошқа мамлакатларда сақланаётган қўлёзмаларига ишланган расмларни тўпладингиз. Мана шу бадиий ижод намуналарининг кўпчилигидан ҳатто мутахассисларнинг ўзлари биринчи марта хабардор бўлдилар. Менинг дўстларим ва ҳамкасбларим мана шу ажойиб альбомни кўриб ғоят таъсирландилар.

Ўзбекистонлик шарқшунос Ҳамид Сулаймонов «Бобирномага миниатюралар» нашрига ёзган сўз бошиси катта аҳамиятга эга. У бобирийларнинг роли, уларнинг Ҳиндистон маданияти ва санъатига қўшган ҳиссаси аҳамиятини аниқ-равшан кўрсатиб берди. Сулаймонов бобирийлар вужудга келтирган маданият Ўрта Осиё ва Ҳиндистон санъати, ҳунармандчилиги ва фалсафасининг синтези эканлигини кўрсатиб берди.

Кемал Х. Карпет қўлёзмалар институти номига юборган ўз мактубининг охирида қуйидагиларни ёзади: университетдаги ҳамкасбларим — бобирийлар вужудга келтирган деҳқончилик системасини чуқур ўрганган Роберт Фрайкенберг ва асарлари совет ҳамкасбларига яхши таниш бўлган атоқли ҳинд олими профессор А. К. Нарайн Х. Сулаймоновнинг хулосаларини маъқулладилар.

Олимлар учун ва шарқ санъатини севган кишилар учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган ажойиб асар билан яна бир бор қутлаймиз.

[ЎзТАГ].

• «Пахтакор»нинг рақиблари

# «ЗЕНИТ» (Ленинград)

**Эртага «Пахтакор» ўз майдонида Ленинграднинг «Зенит» командаси билан навбатдаги туруччашувини ўтказади.**

«Зенит» мамлакатимиздаги энг кекса футбол коллективларидан бири. Ҳозирги кунда у энг ёш команда ҳисобланади. Унинг составида 23—24 ёшли ўйинчилар майдонга тушмоқда. Уларнинг орасида 19—20 ёшли футболчилар ҳам бор. Шу боисдан ҳам команда бу йилги мавсумда бир хил ўйин кўрсата олмаяпти. Ваҳоланки, команда катта тренер, «Зенит» командасининг собиқ ўйинчиси, спорт мастери, РСФСРда хизмат кўрсатган тренер, педагогика фанлари кандидати Юрий Морозов устозлигида 1980 йилги мавсумда жуда чиройли ўйин кўрсатган эди.

Шуни айтиб ўтиш керакки, команда Олимпиада йилидаги муваффақиятга катта тайёргарлик эвазига эришди. У спартакиада турнирида муваффақиятли қатнашиб, бешинчи ўринни эгаллади. Команданинг машҳур ҳужумчиси Владимир Казаченок турнирда энг кўп тўп киритиб, «Труд» газетасининг соврини билан тақдирланди.

В. Казаченок мавсумни ҳам жуда яхши бошлади, Ўша йилги чемпионатда команда ҳужумчилари рақиблар-нинг дарвозасига 51 марта тўп киритган бўлса, 12 тўп команданинг ветерани ва ҳимоячиси Казаченокнинг ҳиссасига тўғри келди. Ўша мавсумда команданинг бошқа тажрибали ўйинчилари ҳам яхши ўйин кўрсатишди. Уларнинг каторида А. Давидов, В. Дектарёв, С. Бондаренко, В. Якимцов бор эди. Айтгандек, кейинги икки ўйинчи ҳозирги кунда «Пахтакор» командаси составида қатнашмоқда. Команданинг ёш ўйинчилари Ю. Желудков, Ю. Герасимов, В. Брошин, В. Долгополов, А. Усановлар ҳам ўз маҳоратларини оширишди. Ленинград футбол мактабида тарбияланган бу ўйинчилар кейинчалик асосий составдан жой олишди.

Спортчилар орасида юксак маррани эгаллашдан кўра уни сақлаб қолиш қийин, деган мақол бор. Шу боисдан ҳам коллектив шонш-ҳратни унутиб, ишга киришиши лозим эди. Бунинг учун маҳоратни янада ошириши тактик ва техник тайёргарликни кучайтириши қуйиб-пишиб машқ қилиши лозим эди. Бу нарсаларни унутиш кейинчалик ёмон оқибатларга олиб келади. «Зенит» командаси билан ҳам бу йилги мавсумда шундай бўлмоқда. Команда кўрсатган коллектив ўйин, яхши жисмоний тайёргарлик, тезкорлик, шиддаткорлик қаёққа кетди? Тўғри, омадсизликнинг бошқа сабаблари ҳам бор. Коллективни бир неча етакчи ўйинчилар тарк этишди. Айримлари эса жароҳатланди. Натижада «Зенит» ўтган йилги мавсумда олий лигада зўр-базўр сақланиб қолди. УЕФА Кубоги учун ўтказилган дастлабки учрашувдаёқ команда баҳсни тўхтатишга мажбур бўлди.

Бу йил команда ўтган йилги муваффақиятсизликлардан тўғри хулоса чиқариб олди дейиш мумкин. Команда астасекин ўз ўйинини яхшилаб бормоқда. Тўғри, унинг ҳаракатида ҳали ўз кучига ишонч, қатъийлик, шиддаткорлик сезилмаяпти. Ўйлаймизки, команда яқин кунларда яна ўз услубини тўла тиклайди. Бундай дейишга асос ҳам бор. Команда кейинги икки учрашувда 3 очко тўпладди муваффақ бўлди.

Энди команданинг таржимаи ҳоли ҳақида тўхталайлик. Команда 1931 йилда ташкил қилинган бўлиб, 1940 йилдан буён «Зенит» номи билан аталади. У 1938 йилдан буён олий лигада қатнашяпти.

Л. Бурчалкин команда шарафини энг кўп ҳимоя қилган ўйинчи ҳисобланади. У 400 марта «Зенит» командаси кийимида майдонга чиққан. Худди шу ўйинчи рақиб командаларнинг дарвозасига 78 марта тўп киритган.

Зенит командасининг ўйинчилари 46 марта СССР терма командаси составида майдонга чиқишган.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ

3 Тошкент бет-саҳифаси

22 ИЮЛЬ 1982 й.

# ЎҚИШГА МАРҲАМАТ

## ЎЗБЕКИСТОН ССР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ ДАВЛАТ КОМИТЕТИ

## Тошкент шаҳридаги ҳунар-техника билим юртларига

1982-83 ўқув йили учун

# ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ



### 14-ТОШКЕНТ ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

**Билим юрти сонли программавий бошқариладиган станокларда ишлаш учун универсал-токарь, саноат асбоб-ускуналари ремонти бўйича слесарь, механик-йиғув ишлари слесари, электр пайвандчи, фрезерчи, электр монтажчи, қирқиш йўли билан металларга совуқ ишлов берувчи универсал-токарь, ОТК контролёри, саноқ-ҳисоблаш машиналари ремонти ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича электр механик ихтисослари бўйича кадрлар тайёрлаб чиқаради.**

Ўқиш муддати—1 йил ва 3 йил.

Ўқишга 8—10 синф ҳажмида маълумоти бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади. 3 йил муддатли таълим группаларида ўқувчиларга ўрта ҳунар-техника билимини олганликлари ҳақида диплом берилади.

Ўқиш даврида 8 синф маълумотидаги ўқувчилар бепул уч маҳал овқат, кўчалик ва иш кийими билан таъминланадилар. 10 синф маълумотдагилар эса 70 сўм ҳажмида стипендия оладилар (электр монтажчи ва саноқ ҳисоблаш машиналари ремонти ва уларга хизмат кўрсатиш бўйича электро механик ихтисосидан ташқари). Ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 33 процента тўланади.

Бошқа шаҳарлардан келганлар секция типидаги қулай ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига киради.

Билим юртини аъло баҳолар билан тамомлаганлар олий ўқув юртларига ўқишга юборилади.

Билим юрти ҳузурида техника ижоди, бадиий ҳаваскорлик, фото тўгараклари, спорт секциялари ишлаб турибди. ёз фаслида ўқувчилар Чорвоқ поселкаси районидаги дам олиш зонасида ҳордиқ чиқарадилар.

**Машғулотлар—1 сентябрдан бошланади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, 50-алоқа бўлими, Гёте кўчаси, 54-уй (21-автобуснинг «14-ГСПТУ» бекати, 16, 89-автобусларнинг «Касб касалликлари институти» бекати).

### 5-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

Тошкент шаҳрида истиқомат қиладиган, мактабларнинг 8—10 синфларини битирганларни қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул қилади: **эркаклар уст кийими бўйича тиқувчи-мотористка, хотин-қизлар ва болалар енгил кийими бўйича тиқувчи-мотористка.**

8-синфни битирганлар уч йил ўқийди, ўрта маълумот олиб, ихтисос эгаллайдилар, кийим-кечак ва бепул овқат билан таъминланадилар; 10-синфни битирганлар бир йил ўқийди, ҳар ойда 30 сўм стипендия берилади. Ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртида комсомол-ёшларнинг «Қизил чинниғул» клуби ташкил этилган. Техника ижоди, бадиий ҳаваскорлик тўгаракларида, спорт секцияларида машғулотлар олиб борилмоқда.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар педагогик кенгаш қарори билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг кундузги бўлимига кириш учун тавсия қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳри, 100-алоқа бўлими, Б. Хмельницкий кўчаси, 55-уй. Телефонлар: 53-36-45, 53-73-09. (4, 7, 9, 14, 24, 28-трамвайлар, 2, 6, 13, 14, 15, 16-троллейбуслар, 2, 3, 4, 18, 40 «э», 45, 50, 54, 57 «э», 58 «э», 77 «э»-автобусларнинг «Б. Хмельницкий кўчаси» бекатлари).

### 139-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

Қабул қилинганлар қуйидаги ихтисосликларга ўргатилади: **заргарлик.** Ўқиш муддати—1,5—3 йил: **чинни буюмларга гул солувчи, чинни буюмларга шакл берувчи, чинни буюмларни сараловчи, саноат ускуналарини ремонт қилувчи слесарь, электромонтёр.** Ўқиш муддати—1—3 йил.

Билим юртига ёши 15 га тўлган ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади. 8-синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун ўқиш муддати—3 йил. Ўқишга қабул қилинганлар 3 маҳал иссик овқат, кундалик кийим-кечак ва коржома билан таъминланадилар: 10-синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун ўқиш муддати—1 ва 1,5 йил. 30 сўм миқдорида стипендия берилади.

Барча қабул қилинганларга ишлаб чиқариш практикаси вақтида иш ҳақининг 50 процента тўланади.

Билим юртини битирганларга мутахассисликлари бўйича диплом ва ўрта маълумот тўғрисида аттестат берилади.

Билим юртида ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

Билим юртига имтиҳонларсиз қабул қилинади. Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар имтиёзли равишда техникум ва олий ўқув юртларига ўқишга қабул қилинадилар.

**Машғулотлар—1 сентябрдан бошланади.**

Адресимиз: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов райони, Сағбон кўчаси, 17-тупик, 4-уй (68, 59, 76, 116-автобусларнинг «Қўштут» бекати). Телефон: 44-20-07.

### 196-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

**Билим юрти В. И. Ленин номидаги электрон-техника заводи учун юқори малакали мутахассислар тайёрлаб беради.**

**Ярим ўтказгичли асбобларни йиғувчи, радиоаппаратуралар ва асбоблари монтаж қилувчи ва регулировкачи, технологик асбоб-ускуналарини созловчи, токарь-фрезерчи.**

Билим юртига 8—10 синф ҳажмида маълумотли, Тошкент шаҳрида ва атрофида яшовчи йигит ва қизлар қабул қилинади.

**Ўқиш муддати:** 8 синф ҳажмида маълумотлилар учун — 3 йил. Ўрта маълумотлилар учун — 1 йил.

Ўқишга қабул қилинган ўрта маълумотли ўқувчилар 30 сўм ҳажмида стипендия оладилар. 8-синф ҳажмида маълумотлилар эса тўлиқ бўлмаган давлат таъминотида бўладилар ва ўрта маълумот оладилар.

Ҳамма ўқувчилар ишлаб чиқариш практикаси даврида иш ҳақининг 33 процентини оладилар.

**Қабул комиссияси билим юрти биносида ва В. И. Ленин номидаги Тошкент электрон-техника заводининг кадрлар бўлимида ҳар куни ишлайди.**

**Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.**

Қуйидаги адресга мурожаат қилинсин: Тошкент шаҳар, 5-алоқа бўлими, Ленин райони, Весна кўчаси, 17-уй. Телефон 91-14-51.

### 158-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

**Билим юрти Тошкент шаҳри қурилишларида ишлаш учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрланди:**

**Қурилиш дурадгори, қурилиш бўёқчиси, пардозловчи-кошинкор-мозаикачи, сувоқчи-пардозловчи-кошинкор, газ пайвандчи.**

**Ўқиш муддати — 5 ой ва 1 йил.**

**8—10 СИНФ ҲАЖМИДА МАЪЛУМОТИ БЎЛГАН 15—25 ЕШДАГИ ЙИГИТ-ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.**

8-синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун ўқиш муддати — 3 йил. Ўқувчилар касб эгаллаш билан бирга тўлиқ ўрта маълумот оладилар. Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўз ихтисосликларидаги олий ўқув юртига имтиҳонларсиз қабул қилинади.

10-синф ҳажмида маълумоти бўлганлар учун ўқиш муддати — 5 ой ва 1 йил.

3 йиллик таълим бўйича қабул қилинган ўқувчилар овқат, махсус кийим-кечак билан таъминланадилар; 10-синф ҳажмида маълумоти бўлганларга ҳар ойда 75 сўмдан стипендия берилади.

Ишлаб чиқариш практикаси вақтида барча ўқувчилар иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

Билим юртида ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳисобланади.

Бадиий ҳаваскорлик, техника ижоди тўгаракларида, вокаль-чолғу ансамбли бор.

Билим юртини битирганлар политехника институтининг кечки ёки сиртқи бўлимларига, шунингдек бошқа олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга киришлари мумкин.

**Билим юртини битирганлар «Главташкентстрой» системасида ўз ихтисосликлари бўйича иш билан таъминланадилар.**

Бошқа шаҳарлардан келган ўқувчиларга ётоқхонадан жой берилади.

**Ҳужжатлар ҳар куни** (якшанбадан ташқари) **соат 9дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Октябрь райони, Қоратош кўчаси 44-уй (28, 64, 65, 62, 43«э», 11«э», 17«э», 100, 76, 27-автобуслар, 1, 2, 4, 7, 17, 18-троллейбуслар, 7, 8, 11, 1, 16-трамвайларнинг «Хадра» бекати).

### 178-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

**Билим юрти метро қурилишида ишлаш учун қуйидаги мутахассислари тайёрлайди: газ-электр пайвандчи, сувоқчи-бўёқчи, мармар ва гранит билан пардозловчи, автокран бошқарувчиси, дурадгор, пардозловчи-кошинкор-мозаикачи, лаҳмча-монтажчи-кучлантирувчи, эрости лаҳм қазиш механизмларининг слесарь-монтажчиси, автомобилларни ремонт қилувчи слесарь, контроль-ўлчов приборлари, автоматика ва саноат ускуналарига хизмат кўрсатувчи слесарлар. Ўқиш муддати — 3 йил:**

**Сувоқчи-бўёқчи, автокранчи, дурадгор, автомобилларни ремонт қилувчи слесарлар.** Ўқиш муддати —1 йил.

**8—10-синф ҳажмида маълумоти бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.**

10-синф маълумоти билан ўқишга кирган ўқувчиларга ҳар ойда 94 сўм ҳажмида стипендия берилади. 8-синф маълумоти билан ўқишга кирганлар эса давлат таъминотида бўладилар. Уларга бепул кийим-кечак ва уч маҳал овқат берилади

Ишлаб чиқариш практикасини ўташ даврида барча ўқувчиларга иш ҳақининг 50 проценти тўланади.

Билим юртини битирганлар темир йўл транспортининг ходимлари қатори имтиёзлардан фойдаланадилар, аъло баҳолар билан битирганларга эса Транспорт қурилиши министрлигининг олий ва ўрта таълим муассасаларига йўлланма берилади.

**Бошқа шаҳардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳри, Чилонзор массиви, Д—20 квартали (29, 50, 78-автобусларнинг «Ётоқхона» бекати).

### 128-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

**8-синф ҳажмида маълумотлилар: ҳаракатдаги трамвай ва троллейбуслар составы ремонти бўйича слесарь, тортиш подстанцияларининг диспетчери, трамвайлар ва троллейбусларнинг электр ва радиоаппаратуралари ремонти бўйича слесарь, электрик касбларига қабул қилинадилар.** Улар давлат таъминотида бўладилар.

Ўқиш муддати — 3 йил.

**Ўрта маълумотлилар: трамвай вагонларининг ҳайдовчиси, троллейбус ҳайдовчилари, автослесарь, контактли ва қабул тармоғи ремонти бўйича электромонтёр касбларига қабул қилинадилар. Уларга ҳар ойда 30 сўмдан стипендия берилади. Ўқиш муддати — 10 ой.**

**Машғулотлар — 1 сентябрдан бошланади.**

Совет Армияси сафидан ҳарбий хизматни ўтаб қайтганлар учун ва 17,5 ва ундан катта ёшдаги қизлар учун линия диспетчери ва троллейбус ҳайдовчиси ихтисослиги бўйича ўқиш муддати 6 ой; трамвай ҳайдовчиси ихтисослигига эса 5 ой. Ҳар ойда 75 сўмдан стипендия берилади. Бошқа шаҳарликлар ётоқхона билан таъминланадилар.

МАШҒУЛОТЛАР ҲАР ОЙНИНГ 5 ВА 15 КУНИДА БОШЛАНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, 125-алоқа бўлими, Красновосточная кўчаси, 3«а»-уй (1, 17«э»-автобуслар, 18-троллейбус, 13, 22-трамвайларнинг «Красновосточная депоси» бекати). Телефон 62-34-57.

### ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИ БАЗАСИДАГИ 85-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

**тўқувчи, йигирувчи, хом ип тайёрловчи, калаваловчи.**

**Ўқиш муддати — 1 йил.**

**Ўқишга қабул қилинганлар ойига 70 сўм стипендия, чунончи ишлаб чиқариш практикаси вақтида ишлаб топган пулининг 50 процентини оладилар.**

Бошқа шаҳарлардан келганлар ётоқхона билан таъминланадилар.

**Ўқиш даври умумий ишлаб чиқариш стажига киради.**

Умумий таълим мактабини тугатганлар билим юрти ҳузуридаги кечки-сменали мактабда ўқишни давом эттирадилар.

Билим юртини аъло баҳолар билан тугатганлар ва аттестат бўйича 10-синф учун ўртача 4,5 ўтиш баллига эга бўлганлар олий ўқув юртлари ва техникумларга киришда алоҳида ҳуқуқдан фойдаланадилар, шунингдек уларга ўрта ва олий ўқув юртларининг кундузги, сиртқи ва кечки бўлимларига кириб ўқишлари учун йўлланма берилади.

Олий ўқув юртларига кирувчилар учун бепул тайёрлов курслари ташкил қилинган.

Билим юртида спорт базаси мавжуд, «Текстильщик» стадиони базасида сузиш секцияси ташкил этилган.

**Аризалар ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳар, Фрунзе райони, А. Қаҳҳор кўчаси, 34-уй.

### 143-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

**Билим юрти қуйидаги ихтисослар бўйича малакали мутахассислар тайёрлайди: пойафзал қисмларини бичувчи, заготовка тиқувчи, тайёр маҳсулотни қабул қилувчи контролёрлар, слесарь-ремонтчи, электромонтёр, конструктор-модельер, моделли пойафзал тиқувчи.**

Билим юртига қабул қилинган 8—10 синфни тамомлаган ўқувчиларга ҳамма ҳунарлар бўйича ўқиш муддати 6 ой ва улар 70 сўм стипендия билан таъминланадилар. Практикада ишлаган иш ҳақининг 50 процентини оладилар.

**Билим юртини битирганлар Тошкентдаги 1-пойафзал фабрикасида ишлайдилар.**

Билим юрти қошида ўқувчиларнинг маданий хордиқ чиқариши учун пойафзалчилар маданият саройи, туризм ва спорт, хаваскорлик тўгараклари мунтазам ишлаб турибди.

**Билим юрти қошида ишчи ёшлар мактаби бор.**

**Ўқиш — 1 сентябрдан бошланади.**

**Билим юртини яхши битирган ўқувчиларга техникум ва институтларга йўлланма берилади.**

**Ҳужжатлар ҳар куни** (якшанбадан ташқари) **қабул қилинади.**

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, Б. Хмельницкий кўчаси, 6-уй (1, 6, 14-троллейбусларнинг «Пойафзал фабрикаси» бекати). Телефонлар: 53-99-91, 53-99-04.

### 2-АВИАЦИЯ ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

**Билим юрти қуйидаги ихтисосликлар бўйича авиация саноати учун малакали мутахассислар тайёрлаб чиқаради.**

**Учувчи аппаратларни йиғувчи слесарь, сонли программали бошқариладиган станокларнинг автоматлари ва контроль-ўлчов асбобларининг созловчиси, программавий бошқариладиган станокларнинг оператори, бўёқчи-сувақчи, токарь, фрезерчи, механик-йиғув ишлари слесари, саноат асбоб-ускуналарининг ремонтчи-слесари, ОТК контролёри.**

Билим юртига 15—25 ёшдаги 8—10 синф маълумотдаги йигит ва қизлар қабул қилинади.

Ўқиш муддати — 8 синф ҳажмида маълумотлиларга — 3 йил. Ўқувчилар ўқишни битиргач ҳунар билан айни вақтда тўлиқ ўрта маълумот ҳам олиб чиқадилар. Билим юртини аъло баҳолар билан битирганлар ўз касблари бўйича олий ўқув юртларига имтиҳонларсиз қабул қилинадилар; 10 синф ҳажмида маълумотлилар учун ўқиш муддати —10 ой.

3 йил муддатли таълим группаларига қабул қилинган ўқувчилар овқат ва махсус кийим-бош билан таъминланадилар; 10 синф маълумотидагилар эса ойига 64 сўм 77 тийин ҳажмида стипендия билан таъминланадилар.

**Билим юртида Беруний номидаги Тошкент политехника институти ҳамкорлигида Тошкент шаҳар олий ўқув юртларига кириш учун тайёрлов курслари ишлаб турибди.**

Ишлаб чиқариш практикаси вақтида ҳамма ўқувчилар меҳнат ҳақининг 33 процентини оладилар.

**Ўқиш даври меҳнат стажига киради.**

Билим юрти программавий асбоб-ускуналар билан қуроллаган 12 та фан кабинетига эга. Бу кабинетлар замонавий техника воситалари билан ҳам мукаммал жиҳозланган.

Билим юрти қошида спорт секциялари ишлаб турибди, ўқувчилар бадиий ҳаваскорлик тўгараги, вокаль-чолғу ансамблига, авиация тўгараги машғулотларига фаол қатнашадилар.

**Билим юртини тугатганлар Тошкент политехника институтининг кечки ва сиртқи бўлимларига — самолётсозлик ва механика факультетларига, шунингдек, бошқа олий ўқув юртларига имтиёзли шартлар билан ўқишга киришлари мумкин.**

**Билим юртини тамомлаганлар ўз ихтисослари бўйича В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмасида иш билан таъминланадилар.**

**Ҳужжатлар** —(якшанбадан ташқари) **ҳар куни соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.**

Тошкент областидан келган ўқувчилар ётоқхона билан таъминланадилар.

Бизнинг адрес: Тошкент шаҳар, У. Юсупов кўчаси, Авиационная проезди, 10-уй. Телефон 41-89-01.

### 84-ШАҲАР ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИГА

**Билим юртини битирганларга умумий ўрта маълумот билан қурувчи ихтисослиги берилганлиги тўғрисида диплом топширилади.**

Билим юртида ўқиш муддати—3 йил. Ўқиш даври меҳнат стажига қўшилади.

8-синф ҳажмида маълумоти бўлган 15 ва ундан катта ёшдаги йигит-қизлар қабул қилинади.

10-синфни битирганлар ва Совет Армияси сафидан запасга бўшатилганлар учун ўқиш муддати 1 йил бўлган группалар ташкил этилади.

Ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Билим юрти «Средазтрансстрой» трестининг қурилиш ташкилотлари учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича мутахассислар тайёрлайди:

**метрополитен ва темир йўл транспорти автоматика, телемеханика ва алоқа воситаларининг электр монтажчиси, юқори кучланишли ҳаво линияларини монтаж қилувчи йўл электр монтёрлари, монтажчи-электр-газ пайвандчи, слесарь-сантехниклар, қурилиш машиналари ва технология ускуналарини ремонт қилувчи слесарь, монтажчи-ғишт терувчи, бўёқчи, сувақчи, дурадгор, электр монтёр, автослесарь.**

Бадиий ижодга лаёқатли бўлган ёшлар ганч ўймакорлиги бўйича ихтисослашган бўёқчилар группасига, ёғоч ўймакорлиги бўйича ихтисослашган дурадгорлар группасига қабул қилинади. Билим юртида спортнинг эркин кураш ва самбо турлари бўйича ихтисослашган группалар ташкил этилмоқда.

Ўқувчилар уч маҳал бепул овқат, кийим-кечак ва коржома билан таъминланадилар, ишлаб чиқариш практикаси вақтида иш ҳақининг 50 процентини оладилар. Бошқа шаҳарлардан келганларга ётоқхонадан жой берилади.

Трестга ишга йўлланган битирувчилар темир йўл транспорти ходимлари сифатида имтиёзлардан фойдаланадилар. Аъло баҳолар билан битирганлар конкурсдан ташқари олий ўқув юртларига юборилади.

**Машғулотлар—1 сентябрдан бошланади.**

Адрес: Тошкент шаҳри, 74-почта бўлими, Ҳамза райони, Слоним кўчаси, 84-уй (23, 26, 61-автобусларнинг «Иззат» бекати). Телефон: 96-17-61.

**Ҳунар-техника таълими системасидаги билим юртларига ўқишга кириш учун қабул комиссияларига қуйидагилар ҳужжатларни тақдим этиш лозим:** ҳунар-техника билим юртига қабул этиш ҳақида мазкур билим юрти директори номига ариза (танланган касб аниқ кўрсатилиши шарт), ўрта мактабни тамомлаганлик ҳақидаги ҳужжат (гувоҳнома ёки аттестат), медицина справкаси (286-форма), учта фотосурат (3х4 см.), корхона ёки ташкилот (агарда ўқишга кирувчи шахс мазкур ташкилотлар томонидан юборилаётган бўлса)нинг йўлланмаси.

Ўқишга кирувчи билим юртига келган заҳоти қабул комиссиясига паспорти, чақирилиш қоғози (ҳарбий хизмат ёшдаги кишилар учун) ёки ҳарбий билет (запасдаги ҳарбий хизматга лаёқатли кишилар учун) кўрсатади, зотан бу ҳақда сўнг ўқишга кирувчининг шахсий варақасида қайд этилади.

**Билим юртига қабул ҳақидаги аризани топшириган киши унинг ўз танлаган касби бўйича ишлашга жисмоний лаёқатли ва соғлиғи мувофиқ келишини аниқлаш учун медицина кўригидан ўтади.**

4 ЮШКЕНТ бет. ОҚШОМИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ») — орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, Тошкент — ГСП, Ленин кўчаси, 41. ТЕЛЕФОНЛАР: секретариат — 32-57-02, бўлимлар; партия турмуши — 32-63-66; саноат 32-53-83; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги —32-57-83; совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари 32-53-10; адабиёт ва санъат — 32-56-81; ахборот — 33-28-95; спорт ва ҳарбий-ватанпарварлик ишлари —32-55-32; хатлар — 33-79-70; вилоятлар бўлими—33-81-42; нашриёт диспетчери 32-78-94; нашриёт телефон станциясининг навбатчилари —33-90-50.

22 ИЮЛЬ, 1982 й. Р. —04946. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси Тошкент шаҳри. В-2524. Индекс 64691.